

## Абдуллаев Р.: Амалпараст Хидирназар Аллакулов нега халқимизни алдаяпти?

Мен “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” деган фахрий унвон соҳиби Хуршид Давроннинг Ўзбекистон ва ўзбек халқининг дўсти эмаслигини ўзимнинг: “Нега Ватанимиз – Ўзбекистон, миллатимиз – ўзбек, Навоий эса – буюк ўзбек шоири, деб аталади?”, – деган [мақоламда](#) исботлаб берган эдим. Яқинда мана шу Ўзбекистон ва ўзбек миллати йўқ бўлиб кетишини орзу қилувчи кимсанинг YouTubeдаги каналиди 2020 йилнинг 21 майида эълон қилинган: “*Xidirnazar Alloqulov O'zbekistonda qashshoqlik sabablari, yangi prezident saylovlari haqida*”, – деган, [видео-сухбатга](#) кўзим тушиб қолиб, уни кўриб чиқдим [1]. Лекин бу видео-сухбатда иқтисод фанлари доктори, профессор деб таништирилган Хидирназар Аллакуловнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга таълуқли фикрларини эшитиб, мен улардан мутлақо қониқиш ҳосил қилмадим. Ҳаттоки мен бу кимсага илмий даража ва унвон мутлақо нотўғри берилган бўлса керак, деган фикрга ҳам бордим... Шунинг учун ҳам, ҳеч қандай иқтисодий билимларга эга бўлмаган видео-сухбатнинг бошловчиси, “Адабиёт” газетасининг бош муҳаррири, журналист Бахтиёр Каримовнинг Хидирназар Аллакулов тўғрисида гапирар экан, гўёки у: *Ўзбекистоннинг етакчи иқтисодчи-олими...*, деган фикри мени анча ранжитди.

Мана шу сабабларга кўра 2020 йилнинг 21 июнида бу видео-сухбатни кўриб бўлиб, интернетдаги Google, Яндекс ва бошқа қидирув тизимларида бу кимсанинг иқтисод фанлари номзоди ва иқтисод фанлари доктори илмий даражаларини олиш учун ёзган диссертациялари, авторефератлари, монографияси ва мақолаларини қидира бошладим. Лекин уларни топишни сира ҳам иложи бўлмади. Унинг мана шу диссертацияларини химоя қилишидан олдин эълон қилиниши шарт бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги ёки бу диссертация химоя қилинган МДХга аъзо бошқа мамлакатларнинг Олий аттестация комиссиялари (рус. ВАК) талабларига жавоб бериши керак бўлган авторефератлари, монографияси ва мақолаларидан биронтаси топилмади. Буни ўрнига Google қидирув тизими бу кимсанинг ҳар хил шикоятлари мавжудлигини кўрсатди. Уларни ичида Хидирназар Аллакуловнинг: “*Президентга эътироз: Термиз университетининг собиқ ректори 15 йилдан бери адолат учун курашмоқда*”, деган сарлавҳа остида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган шикоятлари [2-3] менинг этиборимни ўзига жалб қилди. Ва мен уларни тўлиғича ўқиб чиқдим.



1-rasm. "Диктатура рынка", "ПВ" №50, 28.02.1989 г.

Аммо 2020 йилнинг 22 июнида Россия давлат кутубхонасининг [сайтида](#), ўзбек тилига таржима қилинганда: “*Аллакулов, Хидирназар. Социалистик жамиятда ижтимоий-синфий фарқнинг моддий шароитларини енгишнинг шартлари: сиёсий иқтисод жиҳатидан: иқтисод фанлари номзоди ... диссертацияси: 08.00.01/Тошк. дав. иқ-т ун-ти. – Тошкент, 1989. – 178 б.: ил.*” [4], деган ҳавола (сифатидаги карточкани) топиб олгач. Мени ёдимга дархол “*Правда Востока*” газетасининг 1989 йилнинг 28 февралдаги 50 (21916) – сонидан “*Бозор диктатураси*” («*Диктатура рынка*»), – деган сарлавҳа остида мақола эълон қилганлигим эсимга тушиб: бу соҳада Хидирназар Аллакулов ҳали социализм оғушидан чиқа олмай, уни такомиллаштириш тўғрисида бош қотираётган бир даврда, каминан Ўзбекистон фанлар академиясининг академиклари И.Искандаров ва М.Мухамеджановлар билан бахсга киришиб, республикамизда биринчилардан бўлиб бозор иқтисодиётига ўтиш заруратига бағишланган мақолалар чоп эта бошлаганлигини, муштарийларга фахр билан айтгим келди (1-rasm).

2020 йилнинг 2 июлида эса Яндекс қидирув тизими Россия давлат кутубхонаси [сайтидан](#) рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда “*Ульмасов, Ахмед. Жамият ижтимоий табақаланишининг муаммолари/А.Ульмасов, Х.Аллакулов. – Тошкент, Ўзбекистон, 1991. 117 б.*” [5], деган социология муаммоларига бағишланган китоб ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди...

Энди журналист Бахтиёр Каримовнинг Хуршид Даврондан фарқли ўлароқ, асл нусхаси Жаҳонгир Муҳаммаднинг Ютубдаги каналида: “*Хидирназар Оллакулов: 2021 йилда Мирзиёев номзодига асло йўл бериб бўлмайди. Нега?*” [6], деган сарлавҳа остида 2020 йилнинг 20 майида эълон қилинган видео-сухбатига қайтиб, Хидирназар Аллакуловнинг берилган саволларга жавоб сифатида янграган, лекин менга мутлақо ёқмаган бир нечта фикр ва мулоҳазаларининг қисқача таҳлилини муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчиман.

## 1. Хидирназар Аллакулов хозирги кунда Ўзбекистон дунёдаги 10 та энг кашшоқ давлатлар қаторига киради, деди. Унинг бу фикри тўғрими?

Бу видео-суҳбатнинг 10 минут 59 секундига (10:59 га) қадар Хидирназар Аллакулов, содда қилиб айтганда, камбағаллик ва кашшоқлик тушунчалари ва уларнинг кўрсаткичлари, камбағалликнинг чегараси ва бу кўрсаткич Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМнинг) қайси турига нисбатан аниқланишини билмаслигини яққол намойиш қилган бўлса. Видео-суҳбатнинг 11:00-11:21 гача бу кимса берган жавобларда:

“Дунёни 127 мамлақати иқтисодиётини таҳлил қилиб борадиган FocusEconomics гуруҳи Ўзбекистонни энг қолоқ 10 та мамлақатлар қаторига қўйган. Бу давлатлар Сахрои кабирдаги (энг қолоқ) давлатларни ташкил қилади, аксарияти”, деган бўлса. Бу суҳбатнинг: 53:28-53:36 гача: “Бизни Ўзбекистонди ҳаттоки жадал суратларда, динамамикада тараққий эттирганимиздаям кашшоқлидадан ҳалос бўлишимиз қийин кечади. Чунки биз тараққийнинг энг пастги давлатлари 10 тасини қаторида турибмиз. Бизга тарққийни сакраб-сакраб ривожланишни таъминлайдиган ислоҳатлар керак”, деб таъкидлаб, бу масалани мутлақо ўрганмаганлигини ва яхши билмаслиги сабабли, ҳаммани алдаётганини намойиш қилди.

Лекин мен бу масалани чуқур ўрганиб, рус тилидаги, ўзим бош редактори бўлган “Fundamental iqtisod” ilmiy-amaliy jurnalidan ташқари, МДХга аъзо мамлақатларнинг бир қанча машхур сайтлари ҳам чоп этган, иккита мақола эълон қилганман. Улардан 2018 йилнинг 15 августидан эълон қилинган биринчисини, ўзим ўзбек тилига таржима қилгач, 2018 йилнинг 18 августда эълон қилиб: “Ўзбекистонни дунёнинг ўнта энг камбағал мамлақатлари рўйхатидан қандай чиқариш мумкин?” [7], деб атаган бўлсам, иккинчисини таржимасиз колдириб, лекин ўзбек тилига таржима қилганда: “Меҳнат муҳожирларининг Ўзбекистон иқтисодиётига қўшган ўлкан ҳиссасини мамлақатимиз статистикасида қандай ҳисобга олиш мумкин?” [8], деб атаб, 2018 йилнинг 6 декабрида эълон қилган эдим.

### GDP Per Capita 2016-2022

2018 Rank	Country	GDP per Cap 2016 (USD)	GDP per Cap 2016 (LCU)	2018 Rank	GDP per Cap 2022 (USD)	2022 Rank
1	DRC	466 2076	440 2643	2	631 9891	2
2	Мозамбик	465 8676	383 1183	1	579 8487	1
3	Ўзбеки	737 8887	694 2889	3	937 8487	3
4	Танзания	339 9237	666 0673	6	9085 773	4
5	Ниг	873 9934	318 3676	4	1159 025	5
6	Эфиоп	338 1304	863 8825	7	1253 024	6
7	Чад	596 2851	761 086	5	1301 366	8
8	Индонезия	1029 304	2144 856	22	1646 937	10
9	Таиланд	1112 21	973 086	8	1302 294	7
10	Австрия	1221 710	1886 689	9	1486 432	9

### 2-rasm. GDP Per Capita 2016-2022

FocusEconomics нашрётининг сайтида 2018 йилнинг 7 мартада эълон қилинган «The Poorest Countries in the World» (“Дунёдаги энг камбағал мамлақатлар”) [9], деган мақоланинг «GDP Per Capita 2016-2022» (“2016-2022 йиллари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ) деб аталган жадвалида (2-rasm), миллий валютаамизнинг Марказий банк томонидан ўрнатиладиган алмаштириш курси ўртача қиймати асосида, 2018 йилга мўлжалланган номинал ЯИМнинг прогноз, яъни башорат қилинган қиймати 75,52–75,88 млрд. АҚШ долларига эмас, балки бор йўғи 33,25 млрд. АҚШ долларига. Ўзбекистон аҳолиси жон бошига тўғри келиши керак бўлган номинал ЯИМ эса ўртача 2362 АҚШ долларига эмас, балки 1025,504 АҚШ долларига эквивалент бўлади деб тахмин қилган ҳолда. 2018 йилга башорат қилинган Ўзбекистон ЯИМнинг қиймати бу макроиқтисодий кўрсаткичнинг 2016 йилдаги қийматидан 2,05 марта ёки 205% (фоизга) оз бўлади деб таъкидлаган эди.

FocusEconomics нашрётини юқоридаги жадвалда (2-rasm), шу башоратга таяниб Ўзбекистонни ҳам дунёнинг энг камбағал мамлақатлари рўйхатига қўшишга мажбур бўлган. Чунки юқоридаги маълумотлар асосида, компьютердаги дастур, рейтинг жадвалидаги, “алдар кўса” Хидирназар Аллакулов айтганидек 127 та эмас, балки 126 та мамлақат бўйича башорат қилинган рақамлари ичида автоматик равишда саралаш ўтказиб, бу жадвалда Ўзбекистонни 22-ўриндан ўнта энг камбағал мамлақатлар ўртасидаги, Қирғизстондан 2 поғона юқори бўлган, 8-ўринга қўйган эди (2-rasm).

Лекин, мен ўша даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валютаамизнинг 2017 йилнинг 5 сентябридаги яширин девальвацияси амалга оширилганида эди, унда бизнинг мамлақатимиз 126 мамлақатдан иборат бу жадвалнинг ўнта энг камбағал мамлақатлардан иборат қисмида эмас, балки ундан 11 қатор пастда, айталик, Никарагуадан кейинги, 21-қаторга жойлашган бўлар эди, деган фикрда бўлганман. Хозир ҳам шу фикрдаман.

Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича қилинган мана шундай башорат, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг малакаси ўта паст кадрлари томонидан, Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг улардан ҳам малакаси пастроқ кадрларининг индамай розилик берганликлари учун 2017 йилнинг 5 сентябрида амалга оширган яширин девальвациясининг салбий натижаси сифатидагина, вужудга келганки. Бу давлат органларининг индамай розилик берган юқори лавозимли, лекин малакаси ўта паст амалдорлари, улар ўтказган яширин девальвациядан сўнг Ўзбекистоннинг ЯИМи ва аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ЯИМи қиймати халқаро молиявий

ташкilotлар ва муассасалар томонидан миллий валютамининг расмий курслари асосидагина ҳисоб-китоб қилишларидек, арзимагендек кўринган – элементар, лекин жуда ҳам муҳим масалани, мутлақо билмаганликлар. Ҳамда миллий валютамининг бўлмиш сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қарайиб икки баробар қадирсизланганлиги (арзонлашганлиги), Ўзбекистоннинг ЯИМи ва Аҳолиси жон бошига тўғри келган ЯИМи қийматларининг миллий валютамининг яширин девалвацияси амалга оширилганидан кейинги даврларда АҚШ долларига ҳисоблаб топилган қийматлари ҳам, қарайиб шунча мартага қисқарганлигининг яққол исботидир. **Ва айнан шундай бир ҳақиқат мамлакатимизнинг иқтисодий обрўсига ўта салбий таъсир кўрсатиб, FocusEconomics нашрети Ўзбекистонни 2018 йилнинг 7 мартда юқорида номи тилга олинган башоратларни ўз ичига олган жадвалидаги дунёнинг ўнта энг камбағал мамлакатлари жойлашган қисмидаги 8-ўринга жойлаштириб қўйишига олиб келган эди.**

Лекин мен бу мақоламда, ВВС ўзбек хизматининг мухбири Пахлавон Содиқ ва Хидирназар Аллақуловдан фарқли ўларок, **FocusEconomics** нашрети ўзининг “*Дунёдаги энг камбағал мамлакатлар*” деб аталган мақоласидаги “*2016-2022 йиллари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ*”, деб аталиб, фақатгина башорат қилинган рақамлар асосида тузилган жадвалида Ўзбекистонни дунёнинг ўнта энг камбағал мамлакатлари сафига қўшиб қўйилганлигини: иқтисодий тушунмовчилик, ҳаттоки [абсурд](#) иқтисодий ҳолат ёки башорат, дебгина баҳолаганман. Хозир ҳам шу фикрдаман. Бундай абсурд иқтисодий ҳолат республикамиз Марказий банкнинг ходимлари ва унинг ўша даврдаги раиси М.Б.Нурматов ҳамда Вазирлар маҳкамасининг ўша даврдаги Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш комплекси ходимлари ва унинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош-вазирининг ўринбосари ва ўша даврда Молия вазири ҳам бўлган Ж.Кўчқоровнинг макроиқтисодий масалаларда мутлақо малакаси паст эканликлари натижасида вужудга келган воқеа, деган фикрдалигимни билдирар эканман. Шунинг учун ҳам мен бундай **абсурд** иқтисодий ҳолатни бартарф қилиш мумкин ва зарур деб ҳисоблаб, ўз мақоламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга бундай ҳолатни бартараф этиш учун тегишли қарор қабул қилишни ва айбдорларни жазолашни таклиф қилган эдим...

Менинг мана шу мақоламда **киритган таклифларимни амалга оширилиши** Халқаро валюта фондининг (ХВЖнинг) “*2018 йил апрел – Жаҳон иқтисодиёти маълумотларининг базаси*” ва бошқа халқаро молия ташкilot ва муассасалари, шу жумаладан обрўли **FocusEconomics** нашрети юқорида номи тилга олинган жадвалидаги маълумотларига тегишли равишдаги тузатишлар

GDP Per Capita 2019-2023

2019 Rank	Country	GDP per Capita 2019 (Projected)	GDP per Capita 2017 (Actual)	2017 Rank	GDP per Capita 2023 (Projected)	2023 Rank
1	DRC	475 2317	436 5256	2	551 2049	1
2	Mozambique	501 9192	426 3636	1	647 641	2
3	Uganda	709 0817	725 9486	3	869 4022	3
4	Tajikistan	863 2937	777 0268	5	1156 827	6
5	Yemen	942 5141	-	N/A	1075 137	5
6	NAR	622 7217	775 8398	4	952 7961	4
7	Ethiopia	1122 567	-	N/A	1508 321	9
8	Tanzania	1159 105	1037 079	6	1502 21	8
9	Kyrgyzstan	1266 064	1203 071	7	1467 614	7
10	Uzbekistan	1392 473	1043 999	10	2300 017	10

3-rasm. GDP Per Capita 2019-2023


киритилди (3-rasm)...

Муштарийлар мен, Хидирназар Аллақуловдан фарқли ўларок, ҳақиқатни, яъни рост гапни айтаётганлигимга ишонч ҳосил қилишлари учун, агар “[FocusEconomics](#)” деб аталган сайтни мен кўрсатган гипперҳавола орқали очиб, у билан танишсалар. Бу наширётнинг «*The Poorest Countries in the World*» (“*Дунёдаги энг камбағал мамлакатлар*”) [9], деган мақоласи ва унинг тегишли жадвали сарлавҳаси 2018 йилнинг 19 ноябрида киритилган ўзгаришлар асосида, ўша кундан эътиборан янгича: «*GDP Per Capita 2019-2023*» (“*2019-2023 йиллари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ*”) (3-rasm), деб ўзгартирилгач, Ўзбекистон ундаги 8-ўриндан илгари Қирғизстон эгаллаб турган 10-ўринга ўтказилиб, у хозиргача шундай ҳолда, бу сайтда ўзгартиришсиз сақлаб келинаётганлигига гувоҳ бўлишлари мумкин.

**FocusEconomics** наширётининг бу сайти, унда ёзилишича: “*Дунё етакчи иқтисодчиларининг иқтисодий башоратлари*”га бағишланган бўлиб, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган (номинал) Ялпи ички маҳсулотининг 2017 йилдаги 1514 АҚШ долларига тенг кўрсаткичига асососан, мамлакатимизни энг қабағал давлатлар ичида 10-ўринга қўйиб, бу кўрсаткич 2019 йили қамайиб – 1350,473 АҚШ долларига эквивалент бўлиб қолишини ва 2023 йилда

у, сон жихатидан 2350,817 АҚШ долларига эквивалент бўлиши оқибатида, мамлакатимиз бу рўйхатда 14-ўринга тушиши мумкинлигини ҳам башорат қилган (3-rasm).

**Лекин FocusEconomics нашрётининг бу башоратлари тўғри чиқмади!** Чунки Ўзбекистон



4-rasm. UZBning 1990-2019 у.у. nominal YaIMi

ЯИМи Жаҳон банкининг [маълумотларига](#) кўра (4-rasm) 2017 йилнинг якуни бўйичаёқ 59,16 млрд. АҚШ долларига эквивалент бўлиб **FocusEconomics**нинг жадвалидаги 10 та энг камбағал мамлакатлар рўйхатидан чиқиб кетиб, мамлакатимиз аҳолиси жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМнинг қиймати 1841 АҚШ долларига эквивалент бўлгани ҳолда 18-ўринни эгалаши мумкин бўлган бўлса. 2018 йилнинг якуни бўйича бу кўрсаткич 1543,116 АҚШ долларига эквивалент бўлгани ҳолда, юқорида номи тилга олинган жадвалда (3-rasm) 14-ўринга жойлашиши мумкин бўлган эди. Лекин 2019 йилнинг якуни бўйича Ўзбекистон номинал [ЯИМ](#)ининг қиймати 57,921 млрд. АҚШ долларига эквивалент бўлгани ҳолда [10], аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМимиз кўпайиб 1724,83 АҚШ

долларига эквивалент бўлгани ҳолда, мамлакатимиз, **FocusEconomics** нашрётининг жадвалида 17-ўринни эгаллай олишини намоиш қилди.

Мен бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришиш мумкинлигини ўзимнинг 2018 йилнинг 6 декабрида рус тилида эълон қилинган: **“Меҳнат муҳожирларининг Ўзбекистон иқтисодийётига қўйган ўлкан ҳиссасини мамлакатимиз статистикасида қандай ҳисобга олиш мумкин?”** [8], деган [мақоламда](#) ўзим яратган математик усуллар билан исботлаб, тегишли давлат органларига ўз тавсияларимни берган эдимки. Уларга кўра 2023 йили Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМи 3486,91 АҚШ долларига эквивалент бўлиши ва шу сабабли мамлакатимиз **FocusEconomics** нашрётининг юқорида номи тилга олинган жадвалида (3-rasm) 14- эмас, балки 29-ўринни эгаллаши мумкинлиги тўғрисидаги башоратимни олға сурган эдим...

## 2. Ўзбек халқининг ҳам ўз орзуси бўлсин!

Видео-суҳбатнинг [6] **1.05:12** да, Бахтиёр Каримов Хидирназар Аллакуловга: **Президент Мирзиёев халқни бойтиш менинг асосий мақсадим деб бот бот гапирип келяпти. Бу эса унинг қашшоқликни тугатиш нияти борлигини кўрсатади. Бунга сиз қандай фикр билдирасиз?** – деб мурожаат қилди. Шунинг учун ҳам мен муштарийларга бу саволга Хидирназар Аллакулов берган жавобнинг таҳлилини сал кейинроқ қилишимни айтар эканман. Мен шахсан бундай саволларга рус тилида 2018 йилнинг 3 июнида, ўзимнинг: **«Давайте превратим в новую национальную идею – главную цель Президента Узбекистана: сделать наших людей богатыми!»** [11], деган [мақоламда](#) ва 2018 йилнинг 5 июлида уни: **“Халқимизнинг ҳам ўз орзуси – Ўзбекистон орзуси бўлсин!”** [12], деган [сарлавҳа](#) остида, ўзбек тилида эълон қилиб, жавоб берган эдим.

Бунга сабаб: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 12-13 июнида Фарғона вилоятига борган чоғида олға сурган ғояси, ҳамма иқтисодий тушунчаларимга жуда катта таъсир этган эди. Чунки Президентимиз Фарғона вилоятида: **“Менинг энг катта мақсадим – одамларни бой қилиш!”** – [деган](#) эдилар. Шунинг учун ҳам мен, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг, матбуотда эълон қилинган: **ОДАМЛАРИМИЗНИ БОЙ ҚИЛИШДЕК, энг катта мақсадини, бу рус ва ўзбек тилларида эълон қилинган мақолаларим орқали халқимизнинг МИЛЛИЙ ҒОЯСИГА айлантиришни таклиф қилган эдим.**

Шунинг учун ҳам мақоламда бу мақсадга эришиш жуда ҳам қийин бўлишини таъкидлар эканман, Президентимизнинг энг катта мақсадини амалга ошириш йўлида ечилмаган муаммолар жуда ҳам кўп эканлигини айтган эдим... Яшаш даражамиз таркибига кирувчи иқтисодий кўрсаткичлар ичида, менимча, фақатгина жон бошига тўғри келадиган (номинал) Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичигина, муҳим аҳамият касб этшини кўрсатиб, ҳозирги даврда фақат шу кўрсаткигига одамлар қайси мамлакатларда қай даражада яшаётганликларига ойдинлик киритиши мумкин бўлган, кўрсаткич бўлиб хизмат қила олади, деб ўйлаганман. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткичининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг: **“Миллий мақсадларимизнинг барқарор ривожланишини амалга оширишнинг чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони лийихасининг 1-Иловаси 8.1-масаласи матнида назарда тутилганлиги эътиборимни ўзига жалб этган эди. **Чунки унда**

**жон бошига тўғри келадиган (номинал) ЯИМ 2030 йилга бориб ҳозирги кўрсаткичга нисбатан фақтгина 2 (икки) баробаргагина усиши белгиланган эди.** Бу иқтисодий [кўрсаткич](#) ХВЖ ва Жаҳон банки маълумотларига кўра 2017 йили, мос равишда, 2122-2132 АҚШ долларига эквивалент бўлганлигини ҳисобга олсак. Унда Ўзбекистон учун бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, яъний 12 йилдан сўнг фақатгина 4244-4264 АҚШ долларига эквивалент бўлиши режалаштирилган экан ҳолос, деб ёзар эканман.

Лекин Ўзбекистонда жон бошига тўғри келувчи 2017 йилги (номинал) ЯИМ, башка мамлакатларнинг ўша йилги шундай иқтисодий кўрсаткичларига таққослаганда, у: Люксембургникидан – 48,63 баробарга; Швейцарияникидан – 37,34 баробарга, Норвегияникидан – 33,17 баробарга, АҚШникидан – 27,07 баробарга, Данияникидан – 25,33 баробарга, Сингапурникидан – 24,96 баробарга; Туркияникидан – 4,95 баробарга; Қозоғистонникидан – 3,51 баробарга ва Туркменистонникидан – 3,12 баробарга, оз эканлигини таъкидлаб ўтгар эканман. Ўзбекистонда жон бошига тўғри келувчи (номинал) ЯИМ 2030 йилга бориб, яъний 12 йил мардонвор қилинган маҳнатимиз натижасида, бошқа мамлакатларнинг шу 2030 йил учун тўғри келувчи айнан шундай кўрсаткичларидан эмас, балки ўтган 2017 йилги кўрсаткичларидан, масалан Туркияга солиштирганда – 2,48 баробарга, Қозоғистонга солиштирганда – 1,75 баробарга ва Туркменистонга солиштирганда – 1,56 баробарга, оз бўлиб қолишини ҳам кўрсатиб берган эдим.

Менимча, ривожланган мамлакатлар тўғрисида гапириб ҳам ўтирмасдан, яшаш даражаси бўйича, демакки жон бошига тўғри келувчи (номинал) ЯИМ бўйича, ҳеч бўлмаганда Туркия ва Қозоғистонни қувиб етиб, улардан ўзиб кетиш учун, мамлакатимиз иқтисодиётига йирик кредитлар жалб қилиниши керакки. Бу ХВЖ ва Жаҳон банкига ўхшаган халқаро молиявий муассасаларнинг кредитлари бўлиши ҳам мумкин. Бундай кредитларнинг ва давлатлараро қарзларнинг ҳажми, ўша пайтдаги менинг ҳисоб китобларимка кўра, **100 000 000 000** (юз млрд.) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак эди.

Шунинг учун ҳам бундай кредитлар ва чет эл капитали ёки давлатлараро қарзларни жалб қилиш масаласида Ўзбекистон, Хитой ва Япониядек, биз учун астрономик ҳажмлар бўлмиш бир неча триллион доллардан иборат АҚШ давлат қарзларини ушлаб турувчилари бўлган буюк давлатларга нафақат мурожаат қилиши мумкин, балки жуда ҳам зарур, деган фикрни билдирар эканман. Бу масалада дипломатларимиз ўз маҳоратларини намойиш қилишлари кераклиги кун тартабидаги энг муҳим масалалар қаторидан ўрин олди, десак жуда ҳам ўринли бўлади, деб таъкидлаган эдим.

Бу масалани мана шу мамлакатларга сотиш учун махсус, улар учунгина чиқарилган, қиймати ва унинг фойизидан ташкил топган нархи бўйича, айтайлик **106 000 000 000** (бир юз олти млрд.) АҚШ долларига эквивалент бўлган Ўзбекистон Республикасининг инфляциядан химояланган, узок муддатли, яъни муддати, масалан, 2035 ёкм 2050 йилгача бўлган давлат облигацияларини таклиф қилиш ҳисобига, ечиш мумкин, деган фикр билдирган эдим.

Лекин бунинг учун бизнинг мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги ва Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳаларида янги ва амалдаги корхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёр бизнес-режа ва лойиҳалар бўлиши керакки. Уларга жуда қисқа муддатда ва энг минимал таваккалчилик (риск) асосида юқоридаги йўл билан жалб қилинган **100 000 000 000** АҚШ долларига тенг молиявий маблағларни Ўзбекистонда 2030 йилга бориб жон бошига тўғри келадиган (номинал) ЯИМ ҳеч бўлмаганда **10 000** (ўн минг) АҚШ долларини ташкил қилишини таъминлаш ҳисоб-китоби асосида жойлаштириш мумкин бўлиши зарур, деб даъкидлаб. Шунда Ўзбекистоннинг (номинал) Ялпи ички маҳсулоти 2030 йилига бориб аҳоли ўсишини назарга олган ҳолда **368 200 000 000** (уч юз олти миш саккиз млрд. 200 млн.) АҚШ долларига эквивалент бўлиши мумкинлигини, башорат қилган эдим.

Бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Миллий мақсадларимизнинг барқарор ривожланишини амалга оширишнинг чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармони лийиҳасининг (ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 2018 йилнинг 18 октябридаги 841-сонли [Қарорининг](#)) 1-Иловаси 8.1-масаласи матнини: “**2030 йилга бориб ҳисоблаганда жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни** (2 баробарга эмас, балки) **5 баробарга ошириш таъминлансин**”, деган сўзлар билан ёзиш керак, деган таклиф берган эдим...

Ҳозир, мен бу фикрларимни ўзгартириб, ўзимнинг “*Турк миллатига мансуб Муҳаммад Солиҳнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга қилган тухматларига жавоб*”, деган [мақоламда](#): ...*яқин орада, каронавирус пандемияси таъсирида дунё молия-иқтисодий инқирозининг юз бериши жадаллашишини ва бундай ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир этишини эътиборга олиб, юқорида номи тилга олинган кредитор ва сармоядорларнинг энг камида 200 000 000 000 (икки юз млрд.) АҚШ долларига тенг маблағларини халқ хўжалигимизга жалб қилишимиз зарур, деган фикрга келганман...*

Демак Хидирназар Аллакулов, Жаҳонгир Муҳаммаднинг Ютубдаги каналида 2020 йилнинг 20 майда жойлаштирилиб: “*Xidirnazar Olloqulov: 2021 yilda Mirziyoyev nomzodiga aslo yo'l berib bo'lmaydi. Nega?*”, деб сарлавҳа қўйилган ва бу мақолада биринчи ўринда таҳлил қилинаётган видео-сухбатда:

“*Дунёни 127 мамлакати иқтисодиётини таҳлил қилиб борадиган FocusEconomics гуруҳи Ўзбекистонни энг қолоқ 10 та мамлакатлар қаторига қўшган. Бу давлатлар Сахрои кабирдаги (энг қолоқ) давлатларни ташкил қилади, аксарияти*”;

“*Бизни Ўзбекистонди ҳаттоки жадал суратларда, динамамикада тараққий эттирганимиздаям қашшоқлидадан ҳалос бўлишимиз қийин кечади. Чунки биз тараққийнинг энг пастги давлатлари 10 тасини қаторида турибмиз. Бизга тарққийни сакраб-сакраб ривожланишни таъминлайдиган ислохотлар керак*”, дер экан, у иқтисод фанлари доктори деган илмий даража ва профессор деган илмий унвонига иснод келтириб, **FocusEconomics** нашрётининг “*Дунё етакчи иқтисодчиларининг иқтисодий башоратлари*” сафатида эълон қилиниб, 2023 йилгача дунёдаги 126 та мамлактнинг “*2019-2023 йиллари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ*”лари ўзгаришларининг башорати (яъний прогнози) сифатида ўзида акс этирган, жадвалини ўз ичига олган “*Дунёдаги энг камбағал мамлакатлар*”, деган мақоласини ўқимасдан. **Ундаги Ўзбекистонга бағишланган башоратлар мутлақо ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ҳеч қандай билим ва тасаввурларга ҳам эга бўлмай туриб FocusEconomics** нашрёти башоратчиларидан фаркли ўлароқ, бу сайтнинг фолбинига айланиб олиб, ўзига ўхшаган, Ўзбекистоннинг душманларига айланган журналистларнинг Ютубдаги каналларида *фолбин лўлилардек* томошабинларни авраб, алдаб ва лаққилатиб, камабағаллик ва қашшоқлик тўғрисида нотўғри маълумотларни тарқатибгина қолмай: **Ўзбекистон хозиргача ҳам дунёнинг 10 та энг камбағал эмас, ҳаттоки ҚАШШОҚ мамлакатлари рўйхатига киради**, деган ёлғон гаплари билан, халқимизни алдаш орқали, бирон бир раҳбар устига эмас, балки бизнинг ватанимиз бўлган, бутун бир Ўзбекистон деган давлат устига, унинг энг ашаддий душманлари каби, “*мағзава*” ағдариб. Уни устига, **FocusEconomics** нашрёти башорат қилган чуқирга Ўзбекистонни туширмай саклаб қолган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдочилиқ билдириш ўрнига. Бу масалалар бўйича етарли билимга эга бўлмаганлиги учун мамлакатимиз “*10 та энг қашшоқ мамлакатлар*” рўйхатига кириб қолишига гўёки: **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айбдор!** – дегандек, унга нисбатан жинояткорона тухматни ҳам олға сурмоқчи бўлган, десак бу сира ҳам ҳато бўлмайди ...

### **3. Камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларининг таърифи қандай, уларнинг дунё тан олган мезонлари ва ўлчамлари борми?**

Қисқача қилиба айтганда:

3.1. “**Камбағаллик**” деганда – индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг шундай иқтисодий ҳолатини тушиниш керакки, бундай ҳолатда улар яшаш, меҳнат қобилиятини саклаш, кўпайиш учун зараур бўлган маълум минимал эҳтиёжларини қондра олмай қоладилар;

3.2. “**Қашшоқлик**”, ёки **ҳаддан ташқари камбағалчилик, мутлоқ камбағаллик**, деганда эса – бу одамларнинг, масалан, озиқ-овқат, ичимлик суви, турар-жой каби асосий эҳтиёжлари танқислик билан тавсифланган ҳолат, тушинишлиши керак.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) 1992 йилнинг 12 декабрида А/RES/47/196 – сонли резолюция қабул қилиб, ҳар йили 17 октябрни “**Халқаро қашшоқликка қарши кураш кун**”, деб эълон қилган. Лекин қашшоқлик тушунчасига БМТ берган таъриф биринчи марта, 1995 йилнинг 12 мартада Копенгаген шаҳрида ижтимоий ривожланиш манфаатларини кўзлаб Жаҳон бўйича олий даражда ўтказган учрашувда, жаранглаган экан.

Халқаро таснифга кўра 2018 йили дунёдаги 736 млн. одам қашшоқлик чегарасида, яъний сотиб олиш қобилияти (рус тилида: *по паритету покупательной способности* ёки қисқача – ППС) бўйича **қунига 1,9 АҚШ долларига тенг даромад олиб, трикчилигини ўтказган экан**. Ўша йили дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 8% ва уларнинг оила аъзолари қунига 1,9 АҚШ долларидан кам пул топишган; дунё аҳолисининг 55% ҳар хил турдаги нафақалар олишган. Лекин 1,9 АҚШ долларга тенг қашшоқлик чегарасини Жаҳон банки 2013 йили бир авлод ҳаёти даврида, яъний 2030 йилга бориб бундай аҳоли сонини дунё аҳолиси умумий сонининг 3% тенг даражага туширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. **Шунинг учун ҳам бу банк белгилаб берган 1,9 АҚШ долларига тенг қашшоқлик даражаси халқаро миқёсда тан олинган**. Лекин иқтисод фанлари доктори, профессор Хидирназар Аллакулов буни билмайди, шунинг учун ҳам бу тўғрида у видео-сухбатда [6] лом-мим демасдан, қашшоқлик чегарасини ўзи ичидан тўқиб чиқарган бир одамга қунига 2,5 АҚШ долларига тенг бўлади деб айтиб, ҳаммани алдади ва лаққилатди...

БМТ томонидан қашшоқликка берилган юқоридаги таърифни эътиборга олиб, мен 2018 йилнинг 17 июнидаги ўзининг [кўрсатуви](#): “*Мирзиёев Ўзбекистонни қашшоқликдан чиқара оладими?*”, деган сарлавҳа қўйган ВВС ўзбек хизмати ва бу масалада алжирашдан нари ўта олмаётган Хидирназар Аллақуловдан, фаркли ўларок, ўзимнинг бу масалага бағишлаб 2018 йилнинг 18 августида эълон қилинган [мақоламга](#): “*Ўзбекистонни дунёнинг ўнта энг камбағал мамлакатлари рўйхатидан қандай чиқариш мумкин?*” [7], деган саволдан иборат сарлавҳа қўйиб, бу саволга ўзим юқорида қисқача мазмуни айтилган жавоблар ва таклифларни берган эдим.

Бироқ Хидирназар Аллақулов видео-суҳабатининг [6] **37:52-37:59** да Ўзбекистондаги: “*Аҳолининг 23-25 миллиони, менинг ҳисиб китобларимга кўра, қашшоқ!*”, деган, ўзининг қатъий, лекин ўта ахмақона фикрини билдирди. Унинг бундай дегани нафақат Ўзбекистон аҳолисининг 67,6–73,5 фоизи ҳаддан ташқари камбағал ва мутлоқ камбағал аҳволда яшайди дегани. Унинг бу дегани Ўзбекистоннинг 23-25 миллион аҳолиси умрининг узоқлиги **40 ёшдан ошмайди; улар озиқ-овқат, ичимлик суви, турар-жой каби истеъмол танқислиги ва очарчилик ҳолатида яшаб, уларнинг ҳар бири кунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромад тўғри келади, деганидир.**

Демак Хидирназар Аллақулов: “*Аҳолининг 23-25 миллиони, менинг ҳисиб китобларимга кўра, қашшоқ!*”, дейиш билан ҳам халқимизни алдаб, мамлакатимиз аҳолисини Президент Шавкат Мирзиёевга қарши қилиб қўйишга интиляпти десак, бу фикр ҳам сира хато бўлмайди.

Бундан ташқари видео-суҳбатнинг [6] **11:20-11:26** даги Бахтиёр Каримовнинг: – *Камбағалликнинг қабул қилинган меъзонлари борми, ўлчамлари қанақа?* – деган саволига Хидирназар Аллақулов мутлақо хато жавоб бериб, ўзининг олимлик даражаси ва унвонига иснод келтирар экан, видео-суҳбатнинг **11:27-15:40** да:

“*Жаҳонда кабағалликнинг умуминсоний чегараси белгиланган. Бу чегарани жаҳон банки вақти-вақти билан эълон қилиб боради... Дунё бўйича яратилган, жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий махсулот 2019 йилда 13 минг доллар атрофида, шу ўртача даражадан пастда турувчи мамлакатлар икки гuruhга бўлинади. Булар бу ўрта даражадан пастда турувчи мамлакатлар камбағал мамлакатлар ҳисобланади. Лекин уларнинг ўзи ҳам икки гuruhга ажратилади жон бошига 4 086 доллардан то 12 615 долларга қадар бўлган жон бошига ҳисоблаганда мамлакатлар учун камбағаллик чегараси (кунига) 5,5 доллар қилиб белгиланган. Шу беш кунлик истеъмол кишининг бир кунлик истеъмоли 5,5 доллардан кам бўса камбағал ҳисобланади. Иккинчи гуруҳдаги мамлакатлар ўта камбағаллар ҳисобланади. Бу жон бошига яратилган ялпи миллий махсулот 1000 доллардан то 4 086 долларга тенг бўлган мамлакатларни қамраб олган. Бу мамлакатлар учун кишининг кунлик истеъмоли 3 доллару 20 центдан кам бўлса камбағал ҳисобланади. Кабағалликнинг энг қуйи чегарасини белгилаб қўйилган. Бу кишига кунлик истеъмоли 2,5 доллардан кам бўлмаслиги керак. Ўзбекистон давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра 2019 йил Ўзбекистонда жон бошига яратилга ялпи ички махсулот 1724 долларни ташкил этди. Бинобарин Ўзбекистон иккинчи гуруҳ ўта кабағал давлатлар таркибида туради. Шуни учун бу ерда мана сиз манга шу масала бўйича суҳбатлашишни таклиф этганингизда мен рақамларга қараб қўйдим. Кунлик даромад 3 доллару 20 цент ойига киши бошига истеъмоли 90 долларга кун қолган киши камбағал ҳисобланади. Кунига 2,5 доллар ойига 75 долларга кун қолган киши қашшоқ ҳисобланади. Мана, бинобарин, Ўзбекистонда оила таркиби ўртача 5 нафарни ташкил этади. Агар ойлик даромади 480 долларнинг эквиваленти 4 872 минг сўм бўлганда бу оила кабағал ҳисобланади. Агар оиланинг ойлик даромади 373 долларни эквиваленти 3 806 минг сўм бўлганда, бу оила қашшоқ ҳисобланади”, деган бўлса. Видео-суҳбатнинг **18:40-20.00** да:*

“*Давлат статистика қўмитасини маълумотига кўра 2019 йили “жон бошига яратилган ўйўртача реал ялпи даромад”... жон бошига 8 963 700 сўмни ташкил этди. Бир йилга, йиллик бу. Ойига жон бошига 747 минг сўмни ташкил этди. 2019 йилда доллар сўмга нисбатан нисбати ўртача 8 839 сўм бўлган. Бинобарин аҳоли жон бошига реал ялпи даромад 1054 доллар ёки ойига 84,5 долларни ташкил этган. Агар биз шу ўртача даражадан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг 34 миллионлик аҳолиси кабағалликнинг умуминсоний мезони чегараси 96 доллар билан қашшоқлик чегараси 75 доллар араллигидаги камбағаллар сифатида гавдаланади”, деган жавоб бериб, бу масаладаги билимлари ўта саёз эканлигини яна бир бор намоиш қилган.*

Чунки юқорида айтганимдек, Жаҳон банки камбағалликнинг энг қуйи (қашшоқлик) чегарасини Хидирназар Аллақулов ёлғондан айтаётганидек – 2,5 АҚШ долларига тенг қилиб эмас, балки бу пулнинг сотиб олиш қобилятига (рус. ППСга) кўра 1,9 АҚШ долларига тенг қилиб белгилаган.

Бундан ташқари: *кредит бериш ва моддий ёрдам кўрсатиш асослими?* – деган саволга жавоб бериш учун, ҳар йили дунё мамлакатларининг **жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад** кўрсаткичлари ҳисоб-китобини қилиб борувчи **Жаҳон банкининг** методологиясида барча давлатлар

ва хуудлар 2013 йилдан бери тўрт тоифага [бўлинишини](#) [14] ҳисобга олиш керакки. Бу тўрт тоифанинг чегаралари 2019 йили қуйидаги номлар ва рақамлар билан ифодаланган (5-rasm):

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ([ЯМД](#)) юқори даражада бўлган мамлакатлар, яъни жон бошига тўғри келадиган ЯМД 12 535 АҚШ доллари ва ундан юқори;



2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан юқори бўлган мамлакатлар, яъни жон бошига тўғри келадиган ЯМД: 4 045 АҚШ доллари дан 12 535 АҚШ долларигача бўлиб, бу [мамлакатларда](#) битта одам учун белгиланган **камбағаллик чегараси** пулнинг сотиб олиш қобилияти (рус. ППС) бўйича қунига 5,5 АҚШ долларига тенг;

3. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган мамлакатлар, яъни жон бошига тўғри келадиган даромадлари: 1 036 АҚШ долларидан 4 045 АҚШ долларигача бўлиб, бу [мамлакатларда](#) битта одам учун

5-rasm. ЖБнинг мамлакат ва кредит гуруҳлари

белгиланган **камбағаллик чегараси** пулнинг сотиб олиш қобилияти (рус. ППС) бўйича қунига 3,2 АҚШ долларига тенг;

4. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад паст даражада бўлган мамлакатлар, яъни жон бошига тўғри келадиган ЯМД 1036 АҚШ доллари ва ундан паст бўлиб, бу [мамлакатларда](#) битта одам учун белгиланган **камбағаллик чегараси** пулнинг сотиб олиш қобилияти (рус. ППС) бўйича қунига 1,9 АҚШ долларига тенг. Бу Жаҳон банкининг расмий таҳлилий таснифи ҳисобланади. Хозир бу масалага бағишланган тадқиқотлар БМТнинг 190 та мамлакатини ўз ичига олган.

2019 йили Жаҳон банки ўзининг “Атлас” деган усулида ҳисоблаб топиб Ўзбекистон Ялпи миллий даромадининг (*қичқача* – ЯМД) [қиймати](#) 60 395 960 085 (олтмиш млрд. 395 млн. 960 минг 85) АҚШ долларига тенг деб кўрсатган. Жаҳон банки бу ЯМД Ўзбекистон аҳолиси жон бошига қанчадан тўғри келишини аниқлаб, уни яхлитлагач 1800 АҚШ долларига эквивалент қилиб белгилаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон **Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган мамлакатлар** [қаторига](#) кирган [14-15].

Демак таҳлил қилинаётган видео-суҳбатда [6], Хидирназар Аллакулов Ўзбекистондаги ахволни бузиб кўрсатиш орқали, халқни алдаб, ҳаётимиз аянчли ва аҳоли умумий сонининг 75% (фоизи) қашшоқ эканлигига одамларни ишонтириш орқали: *Бундай ҳолатнинг айбодори Президент Шавкат Мирзиёев!* – дейиш мақсадида, ҳаттоки Жаҳон банки методологияси асосида ўрнатилган давлатларнинг 4 хил тоифаси номларини ҳам бузиб, 2- ва 3-тоифадаги мамлакатларни “*камбағал ва қашшоқ мамлакатлар*” деб атаган ҳолда гапирар экан. Уларни шундай қалбакилаштиришга ҳаракат қилганки. Ўзбекистонни **аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган мамлакатлар** [қаторига](#) қиради деб эмас. Ватанимизни халқимиз кўзига жуда ёмон ахволга тушиб қолган қашшоқ давлат сифатида кўрсатиш учун, нафақат *FocusEconomics* нашрётининг амалга ошмаган башоратларидагина Ўзбекистон дунёнинг энг камбағал мамлакатлари жадвалига [9] кирганлигини яширган ёки бунинг мутлақо билмаган. Шу билан бир қаторда Жаҳон банки ишлаб чиққач, халқаро миқёсда тан олинган қашшоқлик чегарасини ҳам – 1,9 АҚШ долларига тенг деб эмас, балки ундан 31% га кўп, яъни – 2,5 АҚШ долларига тенг деб кўрасатар экан. Халқаро ташкилотлар биздаги камбағаллар аҳоли умумий сонининг 11-13% тенг деб ҳисоблашларини инкор қилиб. Президент Шавкат Мирзиёев: Ўзбекистондаги камбағаллар сони 4-5 миллионга тенг, деган [фикр](#) билдирганлиги сабабли. Бу фикрни мана шундай қалбакичилик усуллар билан нотўғрига чиқармоқчи бўлиб. Ўзбекистондаги **камбағаллар** у ёқда турсин, **қашшоқ** аҳоли сонини Президент айтган рақамлардан 5-8 марта кўп ёки **қашшоқларнинг умумий сони 23-25 миллион нафарга тенг деб айтар экан. Бундай ҳолни Президент Шавкат Мирзиёев халқдан яшаряпти!** – демоқчи бўлган, қаллоб одом эканлигини ҳам яна яққол намоиш қилган.


Лекин иқтисодий билимларга эга бўлмаганликлари учун: **камбағаллик** ва **қашшоқлик** тушунчаларини ҳамда бундай рақамлар тўғри ёки нотўғри эканлигини мутлақо билмайдиган: “*Адабиёт*” газетасининг бош редактори, журналист Бахтиёр Каримов, унинг видео-суҳбатини Ютубдаги ўз каналларига тўлиқ ёки қисман жойлатирган Жаҳонгир Маматов, Хуршид Даврон, Улуғбек Ашир ва уларнинг тингловчилари, Хидирназар Аллакуловнинг бундай найранг ва ёлғонлар орқали уларни лақиллатаётганлигини мутлақо сезмаганлар десак, бу ҳам жуда тўғри бўлади.

Уни устига Хидирназар Аллакулов видео-суҳабатнинг **18:40-20.00** да: Давлат статистика кўмитасининг маълумотиغا кўра 2019 йили “*Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий*



даромад” демасдан, хато равишда: “жон бошига яратилган ўй-ўртача реал ялпи даромад”... 8 963 700 сўми ташкил этди”, дер экан, у Жаҳон банки томонидан камбағаллик чегараларини аниқлаш учун фойдаланиладиган Ялпи миллий даромад (ЯМД) ва жон бошига тўғри келадиган ЯМД қандай аниқланишини мутлақо билмаганлиги учун. Камбағаллик чегарасини Жаҳон банки ҳисоблаб чиқарадиган Ялпи миллий даромад ўрнига, Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси аниқлаб борадиган “Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромад”га нисбатан 2019 йилги миллий валютамининг ўртача курси: 1 АҚШ доллари 8 839 сўмга эквивалент деган натижани ҳисоблаб чиқариб олиб, юқорида кўрсатилган 8 963 700 сўми 1054 АҚШ долларга эквивалент деб аниқлагач, уни бир кишига тўғри келадиган 1 ойлик қиймати 84,5 АҚШ долларга эквивалент деб, ўзича белгилаб олган. Шунинг учун ҳам у: “Ўзбекистоннинг 34 миллионлик аҳолиси қабагалликнинг умуминсоний мезони чегараси 96 доллар билан қашшоқлик чегараси 75 доллар араллигидаги камбағаллар сифатида гавдаланади”, деган мутлақо нотўғри, ўзбек халқини ҳақорат қилувчи ва аҳмақона фикр билдирган.

Чунки камбағаллик чегарасини аниқлашга хизмат қиладиган жон бошига тўғри келувчи Ялпи миллий даромад (ЯМД) Жаҳон банкининг маълумотларига кўра 1800 АҚШ долларига тенг эканлиги учун (6-rasm), 1 кишига: бир кунга тўғри келадиган ЯМДи 4,93 АҚШ долларига, бир ойга тўғри келадиган ЯМДи, яхлитлаганда – 148 АҚШ долларига, тенгдир [16].



6-rasm. Жон бошига тўғри келувчи ЯМД (\$)

Демак  $\$1036 < \$1800 > \$4045$ , яъни: Ўзбекистон Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан паст бўлган мамлакатлар қаторига киради, деганидирки. Бу дегани – Ўзбекистонда кунига қашшоқликнинг халқаро чегараси бўлмиш – 1,9 АҚШ доллардан кам даромад оладиган қашшоқлар умуман йўқ, дейишга асос бўлади деганидир.

Демак, Ўзбекистон Республикасида фақат Президент Шавкат Мирзиёев айтган 4-5 миллион нафарга тенг ва халқаро ташкилотлар тан олган аҳоли умумий сонининг 11-13% ни ташкил қилувчи ҳар бир кунига 3,2 АҚШ долларидаги 32 591 сўм, ойига эса 96 АҚШ долларидаги 977 734 сўмдан кам даромад оладиган камбағал фуқоролар бор ҳолос, ва айнан шу аҳолининг камбағалликдан чиқариб, бойитишимиз керак, десак бу жуда ҳам тўғри фикр бўлади.

Агар биз иқтисодий билим ва савияси паст ва ўта қоқоқ Хидирназар Аллақуловга ўхшаб, Жаҳон банкининг стандартларида [14] ва БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг: “Камбағалликни ўлчаш бўйича Қўлланма”си [17] кўзда тутмаган усулда. Яъни Ўзбекистон статистика қўмитаси ҳисоб-китобини олиб борадиган аҳоли жон бошига тўғри келадиган Реал умумий даромад (РМД) орқали камбағаллик ва қашшоқлик чегараларини АҚШ долларининг ўзбек сўмига нисбатан сотиб олиш қобилияти (рус. ППС) бўйича 2019 йилга аниқланган ўртача курси орқали топсак, у:  $(511\,838\,093\,200\,000 : 244\,761\,000\,000 =) 2\,091$  АҚШ долларига эквивалент бўлади. У ҳолда 2019 йилдаги жон бошига тўғри келадиган Реал умумий даромадни АҚШ долларининг сўмга нисбатан сотиб олиш қиймати бўйича аниқланган курсига бўлсак  $(8\,963\,655 : 2\,091 =) 4\,286,4$  АҚШ долларига эквивалент ёки 43 656 035 сўм натижага эга бўламиз. Унда 2019 йилдаги жон бошига тўғри келадиган Реал умумий даромаднинг 1 кишига 1 кунга тўғри келадиган улуши 11,7 АҚШ долларига эквивалент (119 605 сўм) бўлиб қолиб. Бу кўрсаткич Ўзбекистонни Аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига қўшиб қўйган бўлар эди. Чунки 2019 йил учун аниқланган жон бошига тўғри келувчи Реал умумий даромаднинг 1 кишига 1 кунга тўғри келадиган улуши аҳоли жон бошига тўғри келадиган Ялпи миллий даромад ўрта даражадан юқори бўлган мамлакатлардаги (рус. ППС бўйича) камбағаллик чегарасидан 2,135 мартадан зиёд ёки 213,5% катта бўлиб чиқди. Лекин биз Жаҳон банки ва БМТнинг Европа иқтисодий комиссиясини ҳурмат қилганлигимиз ҳамда уларнинг мутахассислари устимиздан қулмасликлари учун, бундай йўл тута олмаймиз. Балки биз Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг эътиборини Ўзбекистоннинг ҳар йилги Ялпи миллий даромади (ЯМД) қийматини аниқлаб бориш кераклигига қаратамиз...

Энди видео-суҳбатнинг [6] 1.05:12-1.05:29 ичида, Бахтиёр Каримов Хидирназар Аллақуловга: Президент Мирзиёев халқни бойитиш менинг асосий мақсадим деб бот бот гапирип келяпти. Бу эса унинг қашшоқликни тугатиш нияти борлигини кўрсатади. Бунга сиз қандай фикр билдирасиз? – деб қилган мувожазига Хидирназар Аллақулов берган жавобни таҳлил қилиб кўрайлик.

Бу саволга жавоб берар экан Хидирназар Аллақулов видео-суҳбатнинг **1.05:30-1.07:30** ичида: “Хозирги даврнинг бош масаласи бу бойларни шакиллантириш эмас, балки аҳолини қашшоқ қатламларини ўрта ҳол тоифа томига ўтказишни таъминловчи шарт шароитни яратиш. Ўрта ҳол тоифанинг ролини ошиб бориши ва унинг мавқеининг мустаҳкамланиши таъминланишидир. Бу бугунги куннинг бош масаласи. Ҳар бир ҳонадоннинг қозони қайнаши, эгни бут бўлиши, бошпанаси ишончли бўлиши, ўзи ва фарзандларининг келажагига ишончини таъминлаш бугунги куннинг бош масаласидир. Ҳар бир ҳонадон, ҳар бир одам, мустақилликни ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Мана буни таъминлаш бугунги куннинг бош масаласидир. Умуман бозор иқтисодиётининг бош масаласи бойларни шакиллантириш эмас, ўрта синифни шакллантириш ва унинг мавқеини мустаҳкамлашдир. Жамиятда муқим ижтимоий иқтисодий барқарорликни таъминловчи бу ўрта синф бўлади” – деган ўз фикрини билдирди.

**Хўш Хидирназар Аллақуловнинг бу фикрлари тўғрисида нима дейиш мумкин?** Бу саволга, олдин: *Ўрта синфдан юқори ва пастда қандай синфлар туради? Биз ўртак олаётган ривожланган Ғарб мамлакатлари жамиятларидан, уларни ичиди биринчи ўринда турувчи АҚШда, ўрта синф қандай ижтимоий қатламлардан ташкил топган?*– деган саволларга жавоб изласак, бу: Хидирназар Аллақуловнинг юқоридаги фикрлари тўғрими ёки улар ҳам ёлғонми?– деган саволга жавоб беради, деб ўйлайман.

Энг ривожланган Ғарб мамлакатлари бўлиши АҚШда **ўрта синф 4 та қатламга бўлинади**. Булар аҳолининг: 1) юқори ўрта, 2) ўртача ўрта, 3) қуйи ўрта, 4) ўртача қуйи синфларга кирувчи қатламларидир.

Лекин социологлардан Уилям Томпсон ва Жозеф Хики ўзларининг “*Диққат марказида жамият*” (“*Society in Focus*”) [18], деган китобида америка жамиятини 5 та қатламга бўлишган. Булар қуйидаги қатламлардир.

**Олий синф.** Аҳолининг 5% ташкил қилучи бу тоифага: миллий иқтисодиёт ва сиёсий институтларга сезиларли таъсир кўрсата оладиган ва миллий бойликда ҳаддан ташқари катта улушлари бор одамлар киради. Бу синфнинг 1% тенг энг юқори қисмини йилига 250 минг доллардан ошиқ даромад оладиган шахслар, қолган 4% тенг қисмини эса, йилига 140 минг долларгача даромад олувчи одамлар эгаллаган.

**Олий ўрта синф.** Аҳолининг 15% ташкил қилучи бу тоифага, уй-хўжалиги йилига 100 минг доллардан кўп пул топувчи: врачлар, профессорлар, юристлар, корхоналарнинг раҳбарлари, яъний “*оқ ёқаликлар*” деб аталувчи профессионал хизматчилар киради.

**Қуйи ўрта синф.** Аҳолининг 33% ташкил қилучи бу тоифасига, уй-хўжалиги йилига 30 минг дан 75 минг долларгача пул топувчи: бакалавр ва махсус билимга эга коллеж битирувчилари, мактаб ўқитувчилари, савдо ҳодимлари, ўрта ва қуйи звено менежерлари киради.

**Ишчилар синфи.** Аҳолининг 30% (34-37%) ташкил қилучи бу тоифага уй-хўжалиги йилига 15 мингдан дан 30 минг долларгача пул топувчи: “*кўк ёқаликлар*” деб аталувчи (асосан жисмоний меҳнат билан банд) ва “*кул ранг ёқаликлар*” деб аталувчи (аҳолига хизмат кўрсатувчи – магазин соғувчиларидан тортиб то официантларгача ва кинотеатрлар ҳодимлари) киради. Бу гуруҳга “*пушти ёқаликлар*” деб аталувчи, қарайиб тўлиқ аёллардан иборат қуйи офис ҳодимлари ҳам киради.

**Қуйи синф.** Аҳолининг 7-11% ташкил қилучи бу тоифага, кўпинча ишсиз бўлиб қолувчи ёки тўлиқ бўлмаган бер нечта ишда банд бўлган одамлар киради.

Бу мисолдан кўриниб турибдики ўзини иқтисодчи деб билувчи Хидирназар Аллақулов ва унинг устози иқтисод фанлари доктори, профессор Ахмад Ўлмасовдан фарқли ўлароқ АҚШнинг социолог олимлари жамиятнинг ижтимоий қатламларини, “*алимсоқдан қолган*” ижтимоий пирамида шаклида эмас [19], балки юқорида кўрсатилган синфлардан иборат деб ҳисоблайдиларки. Шунинг учун ҳам улар бундай ижтимоий пирамидани мутлақо тан олмаган ва тан олмайдилар ҳам.

1989-1991 йиллари СССР да Горбачевнинг “*қайта қуриш*” ғояси ўрнига бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги ғоялар ва ҳукумат Қарорлари пайдо бўлишга бошлаган эди. Ўшанда бу янги ғояни асослашга мен ҳам ҳисса қўшиш учун бир нечта мақолалар ёзиб, уларда: СССР аҳолисининг яшаш даражаси Ғарб мамлакатлари аҳолисининг яшаш даражасидан бир неча боробарга паст. **Аҳоли камбағал**. Чунки 1917 йили “*большевик*”лар Октябр Инқилобини амалга оширишиб, тошкентлик А.Ф.Кернский бошлиқ Россия Республикасининг Муваққат ҳукуматини ағдарганларидан сўнг, мамлакатдаги бойларни йўқотишиб, ҳокимият тепасига камбағалларни олиб келиб, “*пролетариат диктатураси*”ни ўрнатишгач, улар ҳаммани камбағаллар даражасида тенглаштиришган эдилар, деган ва бошқа жуда дадил фикрларни ҳам билдирган эдим.

Мени фикримча Хидирназар Аллақуловнинг ўша СССР давридаги тафаккури ва билимлари, ўзи тан олиб айтганидек, етарли даражада бўлмаганлиги учун, ундаги ҳаётни бизга ўхшаб қаттиқ танқид остига олиб, марказий матбуот органларида мақолалар эълон қила олмасдан, армонда қолиб

кетган кўринади... Буни устига у шу пайтгача, Интернетдан топиш мумкин бўлган ўзининг: “Президентга эътироз: Термиз университетининг собиқ ректори 15 йилдан бери адолат учун курашмоқда”, деган ўзбек ва рус тилларида ёзилган унинг шикоятларидан иборат “асарларида” [2-3], Термез давлат университети, унинг хусусий корхонаси ёки мулки бўлмаса ҳам, унга бу давлатга карашли олий ўқув даргоҳининг ректори лавозимдан уни ўз аризасига асосан озод қилишгач, бу лавозимга уни қайта тиклашмаётганликлари сабабли, 15 йилдан бери ишсиз эканлигини уятмасдан таъкидлар экан. У ўта амалпараст одамлиги учун, мана шу 15 йил давомида бошқа биронта ҳам иш ва лавозимда ишламасдан, шикоят қилиб. Бу шикоятларда унга Термиз давлат университетининг ректори лавозимни қайтриб беришларини талаб қилиб юриши натижасида иқтисод фанлари доктори деган илмий даражага муносиб биронта ҳам китоб, илмий ва публицистик мақола ёзмасдан. Ва иқтисодчи сифатида ўз устида ишламай қўйиб, нафақат Ўзбекистоннинг тараққиётига ва халқига ҳеч қандай нафи тегмаган. Унинг биринчи видео-суҳбатини юқорида мен қилган қисқача таҳлилидан кўриниб турибдики, у ҳаттоки иқтисодчи олим деган ўз малакасини ҳам йўқотган. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистондаги камбағллик ва қашшоқлик тўғрисида гапирар экан, уларнинг чегаралари тўғрисида Жаҳон банкининг нафақат 2013 йилдаги эски маълумотларидаги рақамларга таянган. Ундан ташқари бу масалага таълуқли маълумотлар ҳамда стандартлар ва рақамларни ҳам сохталаштириб, халқни алдашга ўтган. Унинг бундай муттаҳам эканлигини билмайдиган Ютубдаги унинг ихлосманд-томошабинларининг бир қисми, видео-суҳбатни кўриб, унинг сийқаси чиққан ёлғон гапларига маҳлиё бўлиб, бу кимса уларни чиройли, лекин ёлғон гаплар билан алдаётган қаллоб одам эканлигини билмаган ва тушинмаганлар, деган фикрдаман.

Бу туб сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳатлар нима эканлигини ҳам билмайдига қаллоб кимса бўлмиш Хидирназар Аллақулов видео-суҳбатнинг 46:52-47:24 да Бахтиёр Каримовнинг: “... Ўзбекистонни иқтисодий тараққиётини таъминлаш учун бир иқтисодий олим сифатида нималар қилиши керак деб ҳисоблайсиз?”, деган саволига:

“Туб иқтисодий ислоҳатлар ўтказиш талаб этилади... Якка хокимликка таянган сиёсий тизимни ўзгартирмасдан туриб туб иқтисодий ислоҳатлар ўтказиб бўлмайди. А сиёсий тизимни эса туб сиёсий-ҳуқуқий ислоҳатлар ўтказмасдан (туриб) ўзгартариб бўлмайди...”

Мирзиёев ўтган 4 йил ичида туб сиёсий-ҳуқуқий ислоҳатлар ўтказиш сари қадам ҳам ташламади деб ҳисоблайман”, ... дер экан, видео-суҳбатнинг 59:24 да, у:

“Президент сайловини фақатгина амалдаги партиялар ва Мирзиёевнинг (...) номзоди билан ўтказилишига (халқ) асло йўл берилмаслиги (...) лозим. 2021 йилги президент сайловида ё халқ ўз тақдирини ўз қўлига олади ёки иқтисод қолоқликка; халқ, миллат – қашшоқликка маҳкум бўлади”, деган жавоб бериб, яна ёлғон, сиёсий жиҳатдан ахмақона ва Президент Шавкат Мирзиёевга нисбатан нафратга тўла гаплари билан, бу сафар халқни Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузимига тажаввуз қилишга ва Президент Шавкат Мирзиёевга қарши курашишга чақирган, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

#### 4. Хидирназар Аллақулов Асосий капитал ялпи жамланмаси ва инвестицияларнинг турлари тўғрисидаги тушунчаларга эга эмас



9-gasm. АКЯЖнинг ЯИМга нисбатан даражаси

Жоҳон банкининг (мамлакатларнинг) миллий ҳисоботлари асосидаги маълумотларига (рус. Данные по национальным счетам Всемирного банка) кўра бутун дунё бўйича 2019 йилда ишлаб чиқарилган Ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМнинг) қиймати 87 752 млрд. (Саксон етти триллион 752 миллиард) АҚШ долларига тенг бўлган.

Асосий капитал ялпи жамланмасининг (АКЯЖ) Ялпи ички маҳсулотга (ЯИМга) нисбатан Жаҳон банки томонидан 2019 йил учун аниқланган даражаси дунё мамлакатлари учун ҳар хил кўрсаткичларга эга. Масалан, АҚШ бўйича бу кўрсаткич – 21% (фоизга), Австралия бўйича – 23%, Азарбайжон бўйича – 19%, Канада бўйича – 22%, Германия бўйича – 22%, Франция бўйича – 24%, Туркия бўйича – 26%, Сигапур бўйича – 23%, Исроил бўйича – 21%, Хитой бўйича – 43%, Қозоғистон бўйича – 23%, Тожикистон бўйича – 27%, Туркменистон бўйича

– 47% бўлса, Ўзбекистон бўйича – 40% тенг бўлган.

Лекин Улуғбек Ашурнинг Ютубдаги каналида: “Негатив 81: Профессор Аллоқулов янги партия тузмоқчи» [20], деган сарлавҳа остида 2010 йилнинг 4 июнида эълон қилинган [видео-сухбат](#)нинг **13:18-13:44** да Бахтиёр Каримовнинг бу масала тегишли: *Мана шу кейинги ўринда янги ишчи ўринлари яратиши учун инвестиция керак деярсиз. Ички инвестиция кўпайиши керак деярсиз. Мени бир савол қийнайди: хорижий инвестиция келиши учун нима қилиши керак? Ўзбекистонни инвестицион салоҳияти 10 млрд. атрофида, Қозғистонники 150 млрд., агар адашмасам. Нима билан боғлиқ мамлакатга шу инвестиция кириши? Мана шу саволга иқтисодчи сифатида жавоб берсангиз”,* деган саволлари ва мурожаатига Хидирназар Аллоқулов бу сухбатнинг **13:45-23:15** да:

*“Энди мана қаранг: дунёни Ялпи миллий махсулоти барча давлатларнинг 2019 йилда 26,5 триллион (АҚШ долларини) ташиқил эди. 26 трлн. 600 млрд. долларни. Шунча маблагнинг ўртача иқтисодиётда 25 фоизи қайта инвестиция қилинади: ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиши соҳаларига олиб қайта қўйилади. Бу деган 86 трлн. 600 млрднинг 25 фоизи дегани қарайиб 22 триллион доллар инвестиция қилинади ҳар йили. Қайсидир давлатларда 25 фоиз, ўртача, лекин айрим давлатларда, мана Исроил каби давлатларда ёки Европа давлатларида 30-35 фоиз инвестиция қилинади. Хизир инвестиция оқимлари Пандемия туйғайли ўзгаради. Хитойдан йирик корпорациялар, компаниялар, йирик инвесторлар ўз капиталини олиб чиқиб кетишади. Демак бу 22 триллион доллар инвестиция қилиниши керак жаҳон иқтисодиётига. Ҳа у инвесторлар Хитойдан чиқиб кетишяпти. Бинобарин инвестиция оқимлари ўзгаради. Мана шундан биз фойдаланишимиз керак”,* деганида Бахтиёр Каримов: *Қандай қилиб?”,* деган савол берди.

Бу саволга Хидирназар Аллоқулов: *“Шу оқимларни Ўзбекистонга буриши чоратадбирларини амалга оширишимиз керак. Яхши савол қўйдииз: “Қандай қилиб?”,* деб. Бу масалада *Марказий Осиёдаги 5 та қардош давлатлар ечадиган муаммо бор ва ҳар бир давлатнинг ўзи ечадиган муаммолар бор. Марказий Осиё давлатлари ечадиган масала, муаммо шундаки: Ягона инвестиция макони яратиши керак.*

*“Нега?”* деб сўрасиз. *Гап шундаки шундай халқаро транснационал корпорациялар борки, уларнинг иқтисодий қудрати ўнлаб мана Ўзбекистон каби ўнлаб, йигирмалаб давлатларнинг иқтисодий қудратини биргаликда олганда ҳам транснационал компанияларнинг иқтисодий салоҳияти юқори туради. Энди улар шундай катта йирик капиталга эга бўлганлиги учун уларга энг катта, камида 50 млн. ахолиси бор ҳудудга олиб киради инвестицияни. Ундан кам бўлган ҳудудга олиб кирмайди. Сабаби, улар инвестиция об кириши учун олдин, уларга бозор керак, бозорни катта кичиклигини қарайди. Агар бозор 50 млн. ахоли ва ундан юқори ҳудудни қамраб олган бўлса, олиб киришади. Энди мана шундай 5 та қардош давлат бирлашиб ягона инвестиция майдон хосил қилиши керак. Ягона бозорни ташиқил қилиши керак. Бу бозорда торлар, иш кучи, техника, технологиялар эркин кўчиб юриши керак. Агар шундай қилинса ана шу Хитойдан чиқиб кетаётган хорижлик инвесторлар, йирик транснационал корпорациялар, сўзсиз инвестицияларни бу йоққа йўллайди.*

*“Нимага дерсиз?”:* бу ерда ҳам ошёр бор, орзон ишчи кучи бор. Лекин бозор йўқ. Бозор ҳар бир миллий давлатчилик доирасида. Бундай кичик бозорларга улар инвестици қўймайди. Нега Хитойга қўйди? Ана бу масалани Марказий осийёдаги давлатларнинг раҳбарлари сиёсий иродаси билан ечиладиган муаммо. Энди мен ҳайрон қоламан: нега ўзимиз ягона иқтисодий макон, ёгона бозор, ягона инвестиция майдони яратмаймизу, бошқа иқтисодий блогларга ҳар биримиз алоҳида қўйишига интиламиз. 5 та ака-ука алоҳида алоҳида бошқаларга мурожаат қилиб: бизни қўйиб олинлар дейиши, ахир бу 5 та ака-ука, қондош илдизи бир, тарихи бир халқнинг ўзи ягона ўзи бозор ташиқил қилса инвестиция, сўзсиз оқиб келади. Бу бундан ташиқари миллий давлатчиликнинг ўзида ҳал этиладиган масалалар бор. Масалан Ўзбекистонда ҳанузгача ерга мулкчилик масаласи ҳал этилмади. Ерга ҳануз давлат мулкчилиги сақланиб қоляпти, хусусий мулкчилик ҳануз жорий этилмади. Мана қаранг иш кучи товар, техника товар, технология товар, иқтисодий муносабатларга иштирок этувчи муҳим омил ер товар эмас. Мана бундай тўсиқлар бор. Энди мана бу масалани ечиши керак, давлат. Иккинчи, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмаслиги мумкин. Лекин узоқ муддат қатъий ижара муносабатларини жорий этса ҳам бўлади. Мана Исроилда шунақа. Ер баҳога эга бўлиши керак. Ернинг баҳоси бўлиши керак. Яна муаммолар борки. Бизга ташиқаридан келадиган инвесторларнинг иқтисодияси аниқ қонунлар билан кафолатланган бўлиши керак. Ҳа улар ташиқаридаги инвесторлар, тадбиркорлар, хориждаги тадбиркорлар кўриб турибди. Мана бизда фермерлар билан бир неча марта 50 йиллик шартномалар тузилди, мана ер санга 50 йил майли сенга, сан ишла, ерга ишлов бер, капитал сарфла ер санга дейишиди. Орадан 2 йил ўтмасдан ҳаммасини сўрамадиям, доди эшитилмадиям: нима қилинди? – йириклаштиришига ўтилди. Орадан бир оз ўтгандан кейин энди мана кластрларга ўтиляпти. Бунақа, бунақа шароитда қайси инвестор келади? Энди иқтисодларга, хорижлик инвесторларга ер масаласида, есрга бўлган мулкчилик масаласини ечиши бирламчи. Тасаввур қилиб кўринг, ер давлатники, ўзганики бўлганда пул эгаси қандай қилиб

Ўзганинг ерига катта катта иншоат завод фабрика қуради. Эртага ер меники кўтар мулкинги деса нима қила олади? Мана шуни учун энди, навбатдаги масала, бу масалаларни ечиб, хорижлик инвесторларга шундай жозибадор лийҳаларни ҳисоб китобини қилиб тақдим қилиш керак. Шундай лийҳаларни ишлейдиган мутахассислар керак. Хорижларга кўзини товлантирадиган лоиҳаларни тақдим этишимиз керак. Ундан ташиқари яна муаммо бор. Бизда ички резервларни ишга солишимиз керак.

Бу жараёнда Исломо молиясини ривожлантиришимиз керак. Нега исломо молияси деярман? Мана шу пулдорлар, пулини уйда сақлашади. Чунки исломининг қондаси бўйича фоиз, судхўрлик масалалари деган масала бор. Мана бу масалаларни чуқур ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу масалалар бўйича бирон бир ҳужжат қабул қилиш керакдир. Исломо молиси, қаранг дунёнинг 6-иқтисоди. Англия, Буюкбритания бир йилда яратадиган ялпи ички маҳсулотин 2 трлн. 700 млрд. ташиқил этади Исломо молиясини ривожлантиряптики Қозоғистон, Қирғизстонам, исломо молиясини ривожлантириши учун ўзининг қимматли қозғозларини чиқарди. Мана бундай ички резервларни ишга солиш керак, ишчи ўринларини яратиш учун, инвещтицияни кўпайтириши учун, оқимларини кўпайтириши учун. Инвещтициянинг ўзи ҳам икки хил: портфел шаклидаги инвестиция бор. Бу кредит шаклида олинади. Пул шаклида олинади. Тўғрисида тўғри инвестиция, яъни бу мамлакатга техника, технология шаклида кириб келади. Бизга айнан тўғридан тўғри инвестиция, яъни техника ва технология шаклидаги, юксак технологиялар шаклида инвестицияга устиворлик беришимиз керак. Ана шундай инвестициялар кириб келиши учун шарт шароитларни қилиб беришимиз керак”, деган ёлғон ва сафсаталардан иборат гаплар орқали: [Асосий капитал ялпи жамланмаси](#), [Асосий капиталга критилган инвестициялар](#), [Ялпи инвестициялар](#), [Тўғридан-тўғри киритиладиган чет эл инвестициялари](#), [Тўғрисида тўғри киритиладиган инвестициялар](#), [Портфелли инвестициялар](#) ва [Чет эл инвестицияси бор корхоналар](#), деган тушунчалар, уларнинг таърифлари ҳамда бу соҳадаги жаҳон тажрибасини мутлақо билмаслигини кўрсатиб, бу масалада ҳам ўта савияси паст ва қолоқ иқтисодчи эканлигини яққол намоиш қилди.

Буни устига Хидирназар Аллақулов Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти қанчага тенг эканлигини ҳам билмайди. Шунинг учун ҳам у Бахтиёр Каримовнинг бу масаладаги саволига жавоб беришдан ўзини олиб қочган. Лекин муштарийларга бу масала қизиқарли бўлади деб ўйлаб, унга ўзим ойдинлик киритиб қўя қоламан: Экспертлар Ўзбекистоннинг 2020 йилдан бошлаб келгуси ўн йил ичида тўғридан-тўғри хорижий инвеститсияларни жалб этиш салоҳиятини (имкониятини) 65 миллиард АҚШ долларига эквивалент деб баҳолашган. Бундан 20 миллиард АҚШ долларига эквивалент маблағлар ноҳомашёвий тармоқларига тўғри келар экан. Булар ҳақида 2019 йилнинг май ойида Бостон консалтинг гуруҳининг (BCG), рус тилидаги: “Ўзбекистон: имкониятлар ойнаси”, деган [шарҳида](#) айтилган.

Видео-суҳбатнинг **41:17** да Бахтиёр Каримов Хидирназар Аллақуловга: “Домла энди ҳақиқат ва тараққиёт номини тушунтирдигиз, энди “социал демократик” деган белгиларга ҳам озгина тушинтириши бериб ўтсангиз”, деб мурожаат қилди [20].

Лекин Хидирназар Аллақулов бу масала тўғрисида гапирар экан, у ҳатто “Социал-демократия” тушинчасининг аслида ҳаммага энциклопедиялар ва айниқса рус тилидаги Википедиянинг “[Социал-демократия](#)” деган мақоласидан маълум бўлган таърифини, унинг қадриятлари ва мақсади, демакки тузмоқчи бўлган партиясининг асосий номи нима учун “социал-демократик партия” дейилишини ҳам мутлақо билмаслигини яққол намоиш қилган.

## **5. Ўзбекистоннинг расмий ва норасмий олтин захиралари ва бу захираларнинг ҳалқаро қиймати қанчага тенг?**

Энди Ютубнинг “*Ko'zgu*” деган каналида 2020 йилнинг 18 июнида эълон қилинган “*Xidirnazar Olloqulov: Prezident bo'lsam agar: O'zbekiston jiddiy muammo ostida, shuni U o'ylamayapti*”, деб сарлавҳа қўйилган [видео-суҳбатда](#) [21], ўртага ташланган саволларга Хидирназар Аллақулов берган жавобларни таҳлил қилиб кўрайлик. Бу видео-суҳбатнинг **32:00-34:44** да Хидирназар Аллақулов:

“Бизда рақамлар бор экаспертлар бор, давлатни ўзи айтади майли (ҳар йили) 90-100 тонна олтин қазиб олинади, хўп 105 тонна қазиб олинандиган йиллари ҳам бор, агар буни бозардаги нархини осяк 8 млрд. доллар атрофида бўлади. Мана шу 29-30 йил давомида ўртача, майли у дастлабки вақтида 100 тоннадан бўмагандир, ҳич бўмаганда 2,5 минг тонна олтин қазиб олинди. Биз битта жойда эътибор қилишимиз керак, бошқа олтин қазиб оляпмиз, газни мана қазиб оляпмиз, уран, рангли ва металллар. Гап нимада? Жайдари қилиб айтганда биз бир челақ қазиб олиб, а: неча челақка айлантиряпмиз? Ёки бир крушка қоляпти ёки бир пиёла миқдориди қоляпти, халққа. Мана бу

жиҳати муҳим. Экинчидан мана шу сизни мана шу саволингиз билан боғлиқ битта жиҳатга кўплаб сиёсатдонлар гапиради: мана бизни қазилма бойликларимиз 70 млн. халқимизни моддай боқади, деб. Бошиқаларам айтади бизни қазилма бойликларимиз, ер ости бойликларимиз, ммм... халқимизни етакчт сиёсатдонлари. айрим олимларини фикрларида устиворлик шундаки, биз гўёки мана шу қазилма бойликлар эвазига, қазиб олиш эвазига, фаровон бой яшашимиз мумкин. Кечирасиз. Бу қазилма бойликлари ўзбек давлатчилиги, ўзбек халқи, абадий турсин, агар нечи минг йиллар турса шунча йиллар давомида дунёга келадиган авлодларнинг ҳаққи ҳам турибди. Биз уларни қазиб олиб, бугинги яшаётканларни фаровонлигини таъминлаш учун ишлатишига ҳаққимиз йўқ. Агар биз шундан бир челақ қазиб олсак, уни ҳақиқий 3 челақка айлантириб, тажрибамизни кетинги авлодларга етказгандей, моддий бойликларни ҳам кўпайтириб уларга қолдиришимиз керак. Шунийчун биз фаровон яшашимиз учун мамлакатимизда тараққиётни таъминлаб ва фаровонликка эришиши учун қазилма бойликларга таянмаслигимиз керак. Ақлимизга таянишимиз керак. Биз ақлимизни махсули бўлган техника, технологияларни яратиши орқали фаровонликни таъминлашимиз керак. Ман шуни айтмоқчийдим”, деган, билим ва савияси ўта паст, қоқоқ одамнинг ёлғон гап ва сафсаталарини ўртага ташлади.

Чунки, Хидирназар Аллақулов, видео-суҳбат матнининг юқорида келтирилган **32:00-34:44** даги қисмида, биринчидан, 29-30 йил ичида тахминан 2500 тонна олтин қазиб олинди, дер экан, лекин уни қаерга кетганини ўзи билмаганлиги учун, буни томошабинлар ҳам билмайди деб ўйлаб: – бу номалум, демокчи бўлди, десак, бу сира ҳам ҳато бўлмайди. Шунинг учун ҳам муштарийларда: “**Хўш Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги 29-30 йил ичида қазиб олинган 2500 тонна олтин қаерга кетди?**” – деган савол туғилиши табиий бир ҳол бўлади.



Навоий кон-металлургия комбинати замонавий компанияга айлантирилади

**7-gasm. Навоий кон-металлургия комбинатида 3700 т. олтин захираси бор**

Демак бу маълумотни этиборга олиб, Навоий кон-металлургия комбинатидаги 3700 тонна олтин национализация қилиш орқали давлат захирасига олинди ва 2020 йилнинг 12 феввалидаги Марказий банк статистка маълумотига кўра, олтиннинг давлат расмий захираси 328 тонна ва шу кунга 1 тонна олтинни халқаро [нархи](#) 57 889 991 АҚШ долларига эквивалентлигини этиборга олсак, бу олтин захирасининг қиймати 233 203 867 649 (икки юз ўттиз уч млрд. 203 млн. 867 минг 649) АҚШ долларини ташкил қилади.

Демак Ўзбекистоннинг олтин захарилари хозирги кунда (3700+328=) 4028 тоннани ташкил қилганлиги учун у, дунёда олтин захиралари бўйича ҳисоботлар асосида тузилган [Рўйхатда](#) (рейтингда) АҚШдан кейин, 3363 тонна олтин захирасига эга Германия эмас, балки Ўзбекистон туриши керак экан, деган ҳулоса чиқаришга асос бўла олади. Лекин буларни Хидирназар Аллақулов мутлақо билмаслиги учун Ютубнинг “*Ko'zgu*” деган канали томошабинларини алдамоқчи ва лаққилатмоқчи бўлган.

**Иккинчидан**, Хидирназар Аллақулов олтиннинг дунёдаги нархи хозир қанча эканлигини ҳам мутлақо билмаганлиги учун: Ўзбекистон йилиги ўртача 100 тонна олтин қазиб олади, десак бу 8 млрд. доллар бўлади, деган мутлоқо ҳато ва ёлғон гапни гапирди. Чунки 2020 йилнинг 12 июлига 1 унция олтиннинг халқаро бозордаги нархи 1800 АҚШ долларига эквивалент ёки 1 тонна олтин 57 889 991 АҚШ долларига эквивалент. Бундан 100 тона олтиннинг нархи Хидирназар Аллақулов айтганидек 8 000 000 000 АҚШ долларига эмас, балки ундан 38,2 фоизга кам – 5 788 999 100 АҚШ долларига эквивалент бўлади, деган ҳулоса чиқади. **Лекин билим ва савияси ўта паст, жуда ҳам қоқоқ Хидирназар Аллақулов буни ҳам мутлақо билмайди.**

## **6. Форсейзабон масагетларнинг маликаси Тўмариснинг ўзбекларга ҳеч қандай алоқаси йўқ**

Бу видео-суҳбатнинг **43:12-43:52** да Хидирназар Аллақулов: “*Давлатчилик тарихимиз 3000 йилга бориб тақалади. Алтунгадан бошланади, Тумариснинг бобосидан. Лекин мана шу 3000 йиллик*

жараёнда давлатчилигимиз тарихида, давлатнинг ҳар хил шаклларда бўган. Ҳозирги бизда давлатчилигимиз шакли қанақалиги ҳақида, мана шу бизнинг бошқарув элитамиз, дейлик, сиёсий элитанинг ўзидан, мен бирор марта оғзидан қанақа давлат қуришини ҳали бир марта ҳам эшитмадим. Биз яъни қуражак давлатнинг шакли қанақа бўлади? Буларнинг ўзининг тасаввури йўқ”, дедик. Хидирназар Аллақуловнинг бу гаплари ҳам юқорида унинг фикр мулоҳазаларини мен қилган таҳлилларидаги каби ёлғон ва сафсатадан иборат бўлган, десак сира хато бўлмайди.

Чунки, **биринчидан**, эрамиздан олдинги 500-520 йилларда яшаб ўтган форсийзабон масагетларнинг маликаси [Тўмарис](#) ва унинг, Хидирназар Аллақулов *Алтунга* деб атаган бобосининг т[ю]ркийзабон ўзбеклар ва уларнинг давлатларига ҳеч қандай алкаси йўқ. Мен Тожикистон ФАнинг академиги Рахим Масов бошчилигидаги бир гуруҳ тожикистонлик тарихчи-олимлар ва Ўзбекистон ФАнинг академиги Ахмадали Асқаровга ўхшаган ўзбекистонлик тарихчи-олимлар билан очик матбуотда бўлган бахсларимда, ўзимнинг МДХ мамлакатларининг, айниқса РФнинг, кўплаб машхур интернет наширларида эълон қилиниб, ўзбекларнинг ва улар давлатларининг келиб чиқиш тарихига бағишланган мақолаларимда миллатимизнинг ҳам, давлатимизнинг ҳам номи буюк [Ўзбекхон](#) номига қўйилганлигини исботлаб бериб, у ўзи бошқарган давлатни тарихчилар унинг номи билан атаганликларини инобатга олиб, ўша давлатни “*XIV аср Ўзбекистони*” деб; [Абулхайрхон](#) тузган давлатни эса “*XV аср Ўзбекистони*” деб атаганман. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихига бағишланиб, 2016 йилнинг 25 мартда рус тилида эълон қилинган, ўзбек тилига таржима қилинганда: “**Ўзбеклар – уларнинг келиб чиқиши, давлатлари ва цивилизацияси**” (“*Узбеки – их происхождение, государства и цивилизация*”), деб аталган [мақоладан](#) ташқари, бу мақоланинг адабиётлар рўйхатида кўрсатилган яна 12 та мақоламини бағишлаганман. Шунинг учун ҳам мен, Хидирназар Аллақуловдан фарқли ўлароқ, ўзбек миллатининг тарихи 3000 йил олдин эмас, балки бундан 592 йил олдин, яъни 1428 йилдан бошланади, деб ҳисоблаб, буни юқорида айтилиб, тарихий масалаларга бағишланган ўз мақолаларимда, исботлаб берганман.

**Иккинчидан**, Хидирназар Аллақулов видео-суҳбатнинг **44:28-44:33** да саводсизларча: “*...демократик шаклдаги, давлат шаклини қуришимиз керак*”, дер экан, “*Давлат ва ҳуқуқ назарияси*” даги, “[давлат шакли](#)” деган тушунчанинг: “*Давлат шакли – бу давлат ички тузилмасининг муайян модели, шу жумладан унинг ҳудудий ташкил этилиши, принциплари, давлат ҳокимияти органларининг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари, шунингдек муайян давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган ҳокимиятдан фойдаланиш усуллари*”, деган таърифини ва давлатнинг монархик, поликратик ва сегментар шаклларга бўлинишини, мутлақо билмаслигини, намойиш қилиб, қайдаги сийқаси чиқиб кетган гаплар билан, суҳбатни олиб бораётган, бу масалани мутлақо билмайдиган журналистни ҳам, унинг Ютубдаги “[Ko'zgu](#)” деган каналининг 276 мингдан зиёд томошабинларини ҳам, уятмай-нетмай лаққиллатган ва алдаган.

## **7. Хидирназар Аллақулов Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистон Ҳукумати билан ҳеч қачон судлашмаган**

Энди Ютубнинг “[Ko'zgu](#)” деган каналида 2020 йилнинг 26 июнида эълон қилинган: “*X.Olloqulov: O'zbekiston hukumatining o'zi TROLL-ku!.. Mard bo'lsalar, marhamat, chiqsin mardlaracha*” [23], деган [сарлавҳа](#) остида эълон қилинган видео-суҳбатда ўртага ташланган саволларга Хидирназар Аллақулов берган жавобларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Бу видео-суҳбатнинг **1:45-5:45** гача Хидирназар Аллақулов: “*...Бирлашган Миллатлар Ташкилотига шаъним, ор номусим учун Ҳукумат билан судлашганман. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳам голиб чиққанман... Мен Бирлашган миллатлар ташкилотига шаъним қадр-қимматим учун Ҳукумат билан судлашганда манинг барча ёзма талабларим, қонуний ҳуқуқларим борасида ёзган барча ёзувларим, ёзма петицияларимни нусҳасини ҳаммасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ҳўкиматга тақдим этган. Ҳўкимат бу менинг петицияларимни, яъний мурожаатларимни бирма-бир ўрганиб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 5 маротаба, бирмас, 5 маротаба Нота берган. Мана Нота, 5 та Нота. Бешаласида ҳам, бириртасида, Ўзбекистондан бирор бир ваколатли шахснинг исми шарифи ҳам кўрсатилмаган, ва бирор бир мамлакатдан бирир бир шахс Бирлашган Миллатлар Ташкилотига берган Нотасида имзо ҳам чекишмаган. Яъни имзосиз беришган. Мана шу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та тилда қабул қилган қарори, ман шуни 4.1-моддасида айтяпти: Ўзбекистон Республикаси Вербал нота берди, яъни имзосиз Нота берди деб кўрсатяпти. Энди, сиз қаранг Ўзбекистон Республикаси номидан берилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига берилган Ноталарда бирор бир шахснинг исми шарифи, имзоси мавжуд эмас... Қани топингчи шунча берилган Ноталарнинг ким эгаси? Қайси идорадан чиқди бу? Ким имзолади, борми эгаси? Тополасизми? Топиб бўмейди! Мана сизга давлат,*

мамлакат сиёсий элитасининг, Хўкимат амалдорларининг Ўзбекистон Республикасини халқаро миқёсда обрийига, имижига нақадар салбий таъсир келтиряпти”, деган ёлгон гап ва сафсаталарни сотиб, ўзининг нақадар билими ва савияси паст, қоқоқ одам эканлигини яна бир бор намойиш қилган.



8-rasm. БМТ ИХҚнинг Х.Аллақулов иши бўйича Фикрлари жойлашган саҳифа

Хидирназар Аллақуловнинг юқоридаги ахмақона ва ёлгон гапларини тахлил қилиш учун, мен биринчи ўринда у айтган, гўёки: “...Бирлашган Миллатлар ташиқлотининг 6 та тилда қабул қилган қарори”, деб аталган ҳужатни, БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари Бош комиссар бошқармаси” деган сайтнинг шартномавий органларнинг маълумотлар баъзаси, деган саҳифасидаги, БМТнинг 6 та расмий тилидан бири бўлмиш рус тилидаги матнини [топдим](#) (8-rasm).

Бу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг қарори эмас, балки БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг: **«Соображения Комитета в соответствии с пунктом 4 статьи 5 Факультативного протокола**

**относительно сообщения № 2430/2014\*\*\*\*»** (“2430/2014\*\*\*\*-сонли хабарга нисбатан Факультатив протоколнинг 5-моддаси, 4-банди бўйича Қўмитанинг фикрлари”), деб аталган ҳужжатдирки. Демак бу ҳужжат (қисқача – “ИХҚнинг Фикрлари...”), ҳеч қандай халқаро суднинг қарори эмас. Чунки БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси халқаро суд ваколатига эга эмас. Демак Хидирназар Аллақулов бу масалада Ўзбекистон Ҳукумати билан Бирлашган Миллатлар Ташиқлотиди судлашдим, деб, бу ҳужжатни эса: “...Бирлашган Миллатлар ташиқлотининг 6 та тилда қабул қилган қарори”, дер экан, у Ютубдаги “Ko'zgi” каналининг бошловчиси ва томошабинларини, ҳеч уятиб ҳам ўтирмасдан, алдаган ва лаққиллатган, десак бу фикр ҳам айнан ҳақиқат эканлигига сира ҳам шубҳам йўқ.

Буни устига Хидирназар Аллақулов БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси унинг иши бўйича ўз сайтига жойлаштирган “ИХҚнинг Фикрлари...” 4.1-бандида айтилган: “**Вербальная нота**” (“**Вербал нота**”), дегани нима дегани эканлигини билмаслиги оқибатида, у бу ҳужжатни Ўзбекистон Ҳукумати томонидан БМТга берилиб, Ўзбекистонни обрўсини туширадиган имзосиз ҳужжат, деб атаган.

Лекин Вербал нота (лат. *verbalis* “оғзақи” + *notas* “эслатма, хат”), дегани бу энциклопедияларда: кундалик дипломатик ҳаётда имзосиз ишлатиладиган, лекин ҳисобга олинмиши шарт бўлган, муҳим ҳужжат дегани бўлиб. Бундай Вербал ноталар, масалан, Ўзбекистон элчихонаси ва элчихона жойлашган мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бу давлат пойтахти бўлмиш Женевада жойлашган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комитети, расман дипломатик ёзишмалар олиб бориши мумкин бўлган, асосий ҳужжатдир.

Демак Хидирназар Аллақуловнинг, видео-суҳбатни олиб бораётган блоггерга: “**Қани топингчи шунча берилган Ноталарнинг ким эгаси? Қайси идорадан чиқди бу? Ким имзолади, борми эгаси? Тополасизми? Топиб бўмейди!**”, деган саволлари ва гапига: – **Ўзбекистон томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига унинг шикоятни бўйича берилган Вербал ноталарнинг эгаси бор. БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига бу Вербал ноталарни Ўзбекистоннинг шу Комитет жойлашган мамлакат бўлмиш Швейцариядаги элчихонаси берган**, – деган аниқ жавоб бериш мумкин. Бундан чиқадикки Хидирназар Аллақулов Вербал нота тушунчасининг таърифини билмаганлиги учун: “**Мана сизга давлат, мамлакат сиёсий элитасининг, Хўкимат амалдорларининг Ўзбекистон Республикасини халқаро миқёсда обрўйига, имижига нақадар салбий таъсир келтиряпти**”, дер экан, **ўзбек давлати, унинг сиёсий элитаси, Ҳукумат амалдорларига нисбатан тухмат ва ҳақорат даражасидаги ахмақона гапларни айтган.**

Бу тахлилдан кўриниб турибдики Ўзбекистоннинг Швейцариядаги элчихонаси БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига Хидирназар Аллақуловнинг шикояти бўйича берган Вербал ноталари, у айтгандек Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси ва имиджига путр етказа олмайди. Демак Хидирназар Аллақулов бу масалада ҳам ҳаммани алдамоқчи ва лаққиллатмоқчи бўлган, десак бу ҳам жуда тўғри бўлади.

Мана шундай сабабларга кўра мени Хидирназар Аллақуловнинг таржимаи ҳолига бағишлаб, Улуғбек Ашурнинг Ютубдаги каналида 2020 йилнинг 11 июнида эълон қилинган: “**Негатив 87: Профессор ўз таржимаи ҳолини ошкор қилди**” [24], деган видео-кўрастуви мутлақо қониқтирмади.

Мени фикримча Хидирназар Аллақулов бу видео-кўрастува “**ўз таржимаи ҳолини** (тўлиқ) **ошкор қил**”маган, деган фикрдаман. Чунки у, ўзи тан олиб айтиши бўйича, тафаккури етарли даражада бўлмаганлиги учун. Ўша пайтларда Ўзбекистон мустақиллиги учун курашдан четда қолиб кетиб. У даврда, олдин аспирантуради, кейин эса докторантурада ўкиб: қандай илмий ишлар устида



ишлаганлигини ва улар қандай илмий ва ҳаётимиздаги муаммоларни ечишга хизмат қилиб, давлатмиз ҳамда халқимизга қандай нафи теккан? Улардаги қандай ғоялар ва илмий ечимлар амалга тадбиқ этилди? – деган ва бошқа, диссертацияда кўзда тутилган саволларга мутлақо жавоб бермади. Биз эса унинг иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш мақсадида ёзган диссертациясини химоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссияси ёки у докторлик диссертациясини башқа давлатда химоя қилган бўлса, ўша давлатларнинг шунга ўхшаш ташкилотлари (ВАК) расмий талабларига жавоб берадиган автореферати, монографияси ва мақолалари билан танишайлик десак, уларни на интернет орқали ва на кутубхоналарга буюртма бериб, топишни иложи бўлмаяпти. Бундай ҳолатни Хидирназар Аллакулов қандай тушинтириб бера олади ва у бизга уларни кутубхоналар орқали танишиш ва ўрганиш учун тақдим эта оладими? – деган саволлар пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда...

## Хулоса

1. Хидирназар Аллакулов Термиз давлат университети ректори лавозимидан озод этилганидан сўнг 15 йил давомида бу лавозимни қайтариб беришларини сўраб Ўзбекистон давлатининг кўплаб идораларига, оммавий ахборат воситаларига ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасига шикоятлар қилиш билангини шуғулланиб, ҳеч қандай илмий иш олиб бормасдан ва илмий мақолалар эълон қилмасдан, ўзини иқтисод фанлари доктори деган илмий даражага тўғри келадиган малакасини йўқотган.

2. Хидирназар Аллакулов ўзининг иқтисод фанлари доктори илмий даражасига тўғри келадиган малакасини йўқотганлиги учун, у билан ўтказилган видео-сухбатларда берилган саволларга тўғри жаоб бера олмасдан, бирон бир давлат арбоби устидангина эмас, балки ватанимиз бўмиш Ўзбекистон ва унинг халқи устидан “мағзава” тўкиб, Ўзбекистонни кашшоқ давлат деб, халқимизнинг 75% кашшоқ деб, уларни алдашга ҳаракат қилиб, халқимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматига қарши қилиб қўйишга интилан.

3. Хидирназар Аллакулов: *“Президент сайловини фақатгина амалдаги партиялар ва Мирзиёевнинг номзоди билан ўтказилишига (халқ) асло йўл берилмаслиги лозим. 2021 йилги президент сайловида ё халқ ўз тақдирини ўз қўлига олади ёки иқтисод қолоқликка; халқ, миллат – кашшоқликка маҳкум бўлади”*, деган ёлғон, сиёсий жиҳатдан аҳмақона ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга нисбатан нафратга тўла гаплари билан, **бу сафар халқни Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузимига тажаввуз қилишга ва Президент Шавкат Мирзиёевга қарши курашишга чақирган.**

4. Шахсан Хидирназар Аллакулов, уни Ўзбекистон Республикаси Президент лавозимига номзод қилиб кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўядиган қандайдир *“Ҳақиқат ва тараққиёт”* социал демократик партиясини тузишга ҳаққи йўқ. Агар бундай партия тузилган тақдирда ҳам Адлия вазирлиги, қонунда белгиланган тартибда, уни давлат рўйхатидан ўтказилишини рад этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам у тузган партия давлат рўйхатидан ўтказилмайди, деган фикрдаман.

5. Хидирназар Аллакулов ёлғон гаплар билан халқни алдайдиган ва сафсата сотадиган, билим ва савияси паст, ўта қоқ ва амалпараст шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилишга нолойиқ кимсадир, деган фикрдаман.

6. Хидирназар Аллакулов ўз тарафдорлари билан, ҳаттоки ўзи лидер бўлган *“Ҳақиқат ва тараққиёт”* социал демократик партиясини тузиб ва уни давлат рўйхатидан ўтказган ҳамда 2021 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига унинг номзоди кўрсатилган тақдирда ҳам, бизнинг доно ва маънавий жиҳатдан бой халқимиз, уни бу лавозимга сайламаслигига шахсан менинг ишончим комил.

## Адабиётлар рўйхати

1. Хуршид Даврон кутибхонаси. Xidirnazar Alloqulov O'zbekistonda qashshoqlik sabablari, yangi prezident saylovlari haqida (<https://www.youtube.com/watch?v=qxeIJFvwhE>), 2020 йил 21 май.
2. Аллакулов Х. Президентга эътироз: Термиз университетининг собиқ ректори 15 йилдан бери адолат учун курашмоқда (<https://hook.report/2019/08/prezidentga-etiroz-1/>).
3. Аллакулов Х. Возражение президенту: Бывший ректор Термезского университета 15 лет добивается справедливости (<https://hook.report/2019/07/vozrajenie-prezidentu/>).
4. Аллакулов, Хидирназар. Материальные условия преодоления социально-классовых различий в социалистическом обществе: политэкономический аспект: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.01 / Ташк. гос. ун-т экон. наук. – Ташкент, 1989. – 178 с.: ил. (<https://search.rsl.ru/ru/record/01008251454>).
5. Ульмасов, Ахмед. Проблемы социальной дифференциации общества / А. Ульмасов, Х. Аллакулов. - Ташкент : Узбекистон, 1991. - 117 с.; 20 см. Загл. обл.:... дифференциации в социалистическом обществе. Труд в Узбекской ССР - Социологические проблемы. Социальная дифференциация в Узбекской ССР (<https://search.rsl.ru/ru/record/01001613838>).

6. Jahongir Muhammad. Xidirnazar Olloqulov: 2021 yilda Mirziyoyev nomzodiga aslo yo'l berib bo'lmaydi. Nega? (<https://www.youtube.com/watch?v=fQuxMc8vKjI&t=648s>), 2020 йил 20 май.
7. Абдуллаев Р. Ўзбекистонни дунёнинг ўнги энг камбағал мамлакатлари рўйхатидан қандай чиқариш мумкин? ([https://uz.fundamental-economic.uz/?page\\_id=1561](https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1561)), 2018 йил 15 август.
8. Абдуллаев Р. Как учесть в статистике страны огромный вклад трудовых мигрантов в экономику Узбекистана? ([https://fundamental-economic.uz/articlepdf/Kak\\_uchest\\_v\\_statistike\\_strany\\_ogromnyy\\_vklad\\_trudovykh\\_migrantov\\_v\\_ekonomiku\\_Uzbekistana.pdf](https://fundamental-economic.uz/articlepdf/Kak_uchest_v_statistike_strany_ogromnyy_vklad_trudovykh_migrantov_v_ekonomiku_Uzbekistana.pdf)), 2018 йил 6 декабр.
9. FocusEconomics. The Poorest Countries in the World (<https://www.focus-economics.com/blog/the-poorest-countries-in-the-world>).
10. Всемирный банк. ВВП (в текущих долларах США) – Uzbekistan ([https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locale=ru&locations=UZ&name\\_desc=false](https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locale=ru&locations=UZ&name_desc=false)).
11. Абдуллаев Р. Давайте превратим в новую национальную идею – главную цель Президента Узбекистана: сделать наших людей богатыми! (<https://fundamental-economic.uz/article/ra03062018/>), 2018 йил 3 июл.
12. Абдуллаев Р. Халқимизнинг ҳам ўз орзуси – Ўзбекистон орзуси бўлсин! ([https://uz.fundamental-economic.uz/?page\\_id=1532](https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1532)), 2018 йил 5 июл.
13. Абдуллаев Р. Турк миллатига мансуб Муҳаммад Солиҳнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга қилган тухматларига жавоб (<https://politoeconomia.blogspot.com/2020/06/blog-post.html>), 2020 йил 4 июн.
14. The World Bank. Date. World Bank Country and Lending Groups (<https://datahelpdesk.worldbank.org/knowledgebase/articles/906519-world-bank-country-and-lending-groups>).
15. Группа Всемирного банка. Навстречу новой экономике. Узбекистан. Страновой экономический бюллетень лето 2019 г. (<http://documents1.worldbank.org/curated/en/750691563976140831/pdf/Uzbekistan-Toward-a-New-Economy-Country-Economic-Update.pdf>).
16. The World Bank. Date. Search date e.g. GDP, population, Uzbekistan (<https://data.worldbank.org/country/uzbekistan?view=chart>).
17. ЕЭК ООН. Руководство по измерению бедности, 2017 ([https://www.unecce.org/fileadmin/DAM/stats/publications/2018/ECECESSTAT20174\\_ru.pdf](https://www.unecce.org/fileadmin/DAM/stats/publications/2018/ECECESSTAT20174_ru.pdf)).
18. William Thompson, Joseph Hickey. Society in Focus. Boston, MA: Pearson, 2005. 0-205-41365-X ([https://books.google.co.uz/books?id=823TCwAAQBAJ&printsec=frontcover&hl=ru&source=gbs\\_ge\\_summary\\_r&cad=0#v=onepage&q&f=false](https://books.google.co.uz/books?id=823TCwAAQBAJ&printsec=frontcover&hl=ru&source=gbs_ge_summary_r&cad=0#v=onepage&q&f=false)).
19. Ульмасов А. Маманазаров А. Экономика (<http://bookv2.dvinemnauku.ru/glava9.html>).
20. Негатив 81: Профессор Аллокулов янги партия тузмокчи. (<https://www.youtube.com/watch?v=eDEQGvKu-sk>). 2020 й. 4 июн.
21. Ko'zgu. Xidirnazar Olloqulov: Prezident bo'lsam agar: O'zbekiston jiddiy muammo ostida, shuni U o'ylamayapti (<https://www.youtube.com/watch?v=JRaYctQz79Q&t=226s>), 2020 йил 18 июн.
22. Навоий кон-металлургия комбинати замонавий компанияга айлантирилади (<https://www.youtube.com/watch?v=J-GIdaHmm4Y>), 2020 йил 26 феврал.
23. Ko'zgu. X.Olloqulov: O'zbekiston hukumatining o'zi TROLL-ku!.. Mard bo'lsalar, marhamat, chiqsin mardlarcha (<https://www.youtube.com/watch?v=HUsqz9yC-Q>), 2020 йил 26 июн.
24. Негатив 87: Профессор ўз таржимаи ҳолини ошкор қилди. (<https://www.youtube.com/watch?v= bmvcMiL2I4>), 2020 й. 11 июн.

Муаллиф: **Рустамжон Абдуллаев**, иқтисод фанлари доктори, [академик](#).

Ташкент, 2020 йил 19 июл.